ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.Fil.01.10 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ДОСБАЕВА НАРГИЗА ТУРҒУНПЎЛАТОВНА

ЎЗБЕК НАСРИЙ АДАБИЁТИДАН ИНГЛИЗ ТИЛИГА ТАРЖИМАЛАРНИНГ ЛИНГВОМАДАНИЙ ТАҲЛИЛИ

10.00.06 – Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштирма тилшунослик ва таржимашунослик

ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2021

УДК: 811’512.133’255.2+811.111’255.2

Докторлик (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата докторской (DSc) диссертации

Contents of the abstract of the doctoral (DSc) dissertation

Досбаева Наргиза Турғунпўлатовна

Ўзбек насрий адабиётидан инглиз тилига таржималарнинг лингвомаданий таҳлили.....3

Досбаева Наргиза Тургунпулатовна

Лингвокультурологический анализ переводов с узбекской прозаической литературы на английский язык …….....36

Dosbaeva Nargiza Turgunpulatovna

Linguocultural analyses of translations from Uzbek prose literature into English.....69

Эълон қилинган ишлар рўйхати
Список опубликованных работ
List of published works …….....74

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.Fil.01.10 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ДОСБАЕВА НАРГИЗА ТУРҒУНПЎЛАТОВНА

ЎЗБЕК НАСРИЙ АДАБИЁТИДАН ИНГЛИЗ ТИЛИГА ТАРЖИМАЛАРНИНГ ЛИНГВОМАДАНИЙ ТАҲЛИЛИ

10.00.06 – Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштирма тилшунослик ва таржимашунослик

ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2021

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2021.1.DSc/Fil135 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Наманган давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.nuu.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи: **Маматов Абди Эшонқулович**
филология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: **Джумабаева Жамила Шариповна**
филология фанлари доктори, доцент

Усманова Шоира Рустамовна
филология фанлари доктори, профессор

Носиров Абдурахим Абдимуталипович
филология фанлари доктори, доцент

Етакчи ташкилот: **Жиззах давлат педагогика институти**

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/30.12.2019.Fil.01.10 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «___» _____ соат ____даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Фаробий кўчаси, 400-уй. Тел.: (99871) 246-08-62; факс: (99871) 246-65-24, e-mail: nauka@nuu.uz). Ўзбекистон Миллий университети, Хорижий филология факультети (1-қават, 112-хона).

Диссертация билан Ўзбекистон Миллий университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (____ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Фаробий кўчаси, 400-уй. Тел.: (99871) 246-08-62).

Диссертация автореферати 2021 йил «___» _____ куни тарқатилди.

(2021 йил «___» _____даги №____ рақамли реестр баённомаси).

А.Г.Шереметьева
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, филол.ф.д., профессор

Н.Э.Абдуллаева
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

И.А.Сиддиқова
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, филол.ф.д., профессор

КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон тилшунослиги ва таржимашунослигида адабий жараён ва маданиятлараро мулоқот шароитида кечаётган таржима муқобиллигига эришиш масаласи бўйича фундаментал ишларни амалга оширишга бўлган интилиш янада ортган. Ҳар қандай миллат тилининг маданий жиҳатлари, лисоний оламнинг таржима жараёнидаги инъикоси, таржимон маҳорати, таржимада тил ва маданият уйғунлиги каби бир қатор масалалар бугунги кунда кенг доирада муҳокама марказидан ўрин эгаллаб келмоқда. Шу боис таржиманинг ўзига хос ҳодисаси сифатида тилнинг лингвомаданий хусусиятларини таржимада акс эттириш муаммоси амалий жиҳатдан муҳим аҳамиятга эгадир.

Дунё таржимашунослик фанида бугунги кунда таржимани тил ва маданият узвий боғликлигида амалга ошириш, таржимада эквивалентлик масаласини лингвомаданий ракурсда тавсифлаш, воситачи тилнинг таржима муқобиллигига бўлган таъсирини ўрганиш ҳамда бевосита таржима имкониятларини аниқлаш бўйича илмий изланишлар олиб боришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, лингвомаданий жиҳатларга эга бўлган лакуна, хос сўз ва фразеологик бирликларнинг ўзбек тилидан инглиз тилига бевосита таржима йўналишида кам ўрганилганлиги, уларнинг ўзига хос хусусиятлари илмий-назарий томондан етарлича асослаб берилмаганлиги муаммони мажмуавий ва тизимли тадқиқ қилишни тақозо этади.

Мамлакатимизда сўнгги йилларда аждодларимиз томонидан асрлар мобайнида яратиб келинган ғоят улкан, бебаҳо маданий ва маънавий меросни тиклаш ва кенг равишда тадқиқ қилиш муҳим вазифалардан бирига айланмоқда. “Бугунги глобаллашув даврида ҳар бир халқ, ҳар қайси мустақил давлат ўз миллий манфаатларини таъминлаш, бу борада аввало ўз маданиятини, азалий қадриятларини, она тилини асраб-авайлаш ва ривожлантириш масаласига устувор аҳамият қаратиши табиийдир”[1]. Шу нуқтаи назардан, ўзбек адабиётининг дунёнинг қатор тилларига таржима қилинган кўплаб намуналари асосан рус тили орқали ўгирилганлиги боис воситали таржима амалиётининг ривожланишига олиб келгани, бу эса ўзбек тилидан бевосита хорижий тилларга таржима масалаларининг ўз илмий ечимларига эга бўлиш жараёнининг маълум даражада сусайишига сабаб бўлганини таъкидлаб ўтиш жоиз. Ўтган яқин йигирма йил ичида ўзбек тилидан инглиз ва бошқа тилларга таржима қилиш ишларининг сезиларли даражада ривожланиши мазкур масъулиятли жараённинг воситачи тил таъсирисиз, айнан ўзбек тилининг лисоний, миллий-маданий хусусиятлари мисолида кўриб чиқилишини тақозо қилмоқда. Ушбу диссертация ўзбек тилидан инглиз тилига қилинган бадиий таржималарнинг аслиятга эквивалентлигини аниқлашда лингвомаданий ёндашувнинг аҳамияти ва ўрнини махсус ўрганишга бағишланганлиги билан ҳам долзарблик касб этади.

---

[1] Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5850-сон Фармони. – Тошкент, 2019 йил 21 октябрь.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”, 2019 йил 21 октябрдаги ПФ-5850-сон “Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонлари, 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сон “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2017 йил 13 сентябрдаги ПҚ-3271-сон “Китоб маҳсулотларини чоп этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида”, 2021 йил 19 майдаги ПҚ-5117-сон “Ўзбекистон Республикасида хорижий тилларни ўрганишни оммалаштириш фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи[2]. Таржиманинг лингвомаданий масалалари дунёнинг етакчи илмий-тадқиқот марказлари ҳамда олий таълим муассасалари, шу жумладан, Благовещенск давлат педагогика университети (Россия), Институт языкознания РАН (Россия), Санкт-Петербург давлат университети (Россия), Universities of Warwick and Glasgow (АҚШ), Heidelberg University (Германия), University of Victoria (Канада), University of Salento (Италия), София университети (Болгария), Summer Institute of Linguistics (АҚШ), Тожикистон давлат тиллар институти (Тожикистон), Opole University (Польша), Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети, Самарқанд давлат чет тиллари институти (Ўзбекистон)да олиб борилмоқда.

Лакуналарнинг турли халқлар мулоқотидаги лингвомаданий хусусиятлари Ю.А.Сорокин мактаби вакиллари томонидан ўрганилган (Благовещенский государственный педагогический университет); таржиманинг тил ва маданият контекстидаги ўзига хос жиҳатлари С.Басснетт ва у яратган таржима мактаби давомчилари томонидан тадқиқ қилинган (Universities of Warwick and Glasgow); таржимада эквивалентсизликни

[2] Мазкур шарҳ қуйидаги манбалар асосида тайёрланган: www.edu.uz, www.academia.edu, www.bgpu.ru, www.iling-ran.ru, www.spbu.ru, www.gla.ac.uk, www.warwick.ac.uk, https://www.uni-heidelberg.de,https://www.uvic.ca, https://www.unisalento.it, https://www.uni-sofia.bg/index.php/eng/the_university, https://uni.opole.pl, https://tnu.tj/index.php/ru

вужудга келтирувчи омиллар ҳамда таржима стратегиялари назарий жиҳатдан аниқланган (Heidelberg University); икки тил қиёсида таржима лакунарлиги илмий далилланган (University of Victoria); маданиятлараро мулоқотда таржима эквивалентсизлиги масалалари назарий ва амалий ёритилган (University of Salento); хос сўзларнинг таржимадаги лингвомаданий жиҳатлари ва таржима усуллари махсус тадқиқ этилган (Софийский университет); маданий компонентли лексика таржимаси бўйича янги таржима методлари ишлаб чиқилган (Summer Institute of Linguistics); фразеология асослари ва фразеологик бирликлар таржимасининг лингвомаданий хусусиятлари ўрганилган (Санкт-Петербургский государственный университет); фразеологик бирликлар орқали миллийликнинг акс эттирилиши масаласи ўз ечимини топган (Opole University); лексик ва фразеологик бирликларнинг лингвомаданий моҳияти ёритилган (Институт языкознания РАН), таржиманинг турли йўналишдаги лингвомаданий муаммолари ўз ечимига эга бўлиб бормоқда (Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети, Самарқанд давлат чет тиллари институти).

Бугунги кунда жаҳон таржимашунослигида таржиманинг лингвомаданий масалалари қатор устувор йўналишларда тадқиқ этилмоқда: таржимада эквивалентлик масалаларини тил ва маданият контекстида кўриб чиқиш; таржима асарларининг адекватлик даражасини таъминлаш; таржима лакунарлиги сабабларини аниқлаш ва лакуналарни бартараф этиш йўлларини ишлаб чиқиш; хос сўзларнинг таржима тилида берилишини қиёсий таҳлил қилиш; фразеологик бирликлар таржимасида прагматик мувофиқлик ва номувофиқликнинг келиб чиқиш сабабларини аниқлаш; ўзбек асарларидаги лингвомаданий компонентли лексикани таржимада муқобил бериш тамойилларини ишлаб чиқиш каби. Маданиятлараро мулоқот жараёнида лингвомаданий компонентли лексика, шу жумладан, лакуналар, хос сўзлар ва фразеологик бирликлар ҳисобига турли даражадаги тўсиқлар келиб чиқади. Махсус адабиётларни ўрганиш ва таҳлил қилиш натижасида шу нарса далилланганки, биз танлаган тадқиқот мавзуси ҳозиргача тизимли кўриб чиқилмаган ҳамда бу унинг тилшунослик, адабиётшунослик, таржимашунослик ва лингвомаданиятшуносликнинг замонавий йўналишларида долзарблигини белгилаб беради.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Таржимага бўлган лингвомаданий ёндашув масаласи асосан XX асрнинг ўрталаридан бошлаб алоҳида йўналишда махсус ўрганила бошланди. Шу нуқтаи назардан, жаҳон ҳамда ўзбек таржимашунослигида тил ва маданият ўзаро боғлиқлиги омилининг бадиий таржима эквивалентлигига таъсири масаласи юзасидан кўплаб илмий тадқиқотлар майдонга келди. Жумладан, лингвомаданиятшунослик ва маданиятлараро мулоқот муаммолари мамлакатимизда А.Абдуазизов, Д.Ашурова, М.Галиева, Ш.Сафаров, Д.Джуманова каби олимлар, хорижда Е.Верещагин, В.Костомаров, В.Воробьев, Н.Алефиренко, В.Маслова, С.Тер-Минасова, А.Хроленко, Б.Уорф ва бошқаларнинг ишларида илмий-назарий, қиёсий ва амалий

жиҳатлардан ёритилган[3]. Насрий асарлар таржимасида эквивалентлик, бадиий таржиманинг ўзига хосликлари, хусусан, таржиманинг миллий-маданий хусусиятлари ва хос сўзлар масалаларига юртимиз олимларидан Ғ.Саломов, Қ.Мусаев, И.Мирзаев, М.Холбеков, И.Ғофуров, Р.Ширинова, Ш.Сирожиддинов, Г.Одилова, рус тилшунослари ва таржимашуносларидан Л.Бархударов, Т.Фесенко, С.Влахов, С.Флорин, Е.Гвоздович, А.Иванов, Н.Иванова, Г.Томахин, Европа ва АҚШ тадқиқотчиларидан С.Басснет, Л.Венути, А.Титлер, Ж.Винай, Ж.Дарбелнет, Т.Сейвори, Ю.Найда, П.Ньюмарк ва бошқалар изланишларида қиёсий, танқидий ва таҳлилий жиҳатлардан ёндашилган[4]. Мазкур адабиётларда “хос сўз”нинг “реалия” атамасига муқобил сифатида ишлатилиши кузатилади. Таржимашунослик сохасида лакуна тушунчаси дастлаб франко-канадалик лингвистлар Ж.-П.Вине ва Ж.Дарбельнелар илмий қарашларида ифодаланган[5]. Олимлар таржима тилида тегишли муқобилига эга бўлмаган аслият матнидаги сўзларни “бўшлиқ” (gaps) деб атаб, таржимашунослар эътиборини ушбу ҳодисага жалб этишди. Мавзуга доир илмий-назарий адабиётлар таҳлили шундан далолат берадики, таржимашунослик фани сохасида лакунарлик ва лакуна тушунчалари нисбатан янги атамалар сифатида тўлиқ ўрнашиб улгурмаган. Шундан сўнг икки тиллилик муҳитида лакунарлик масаласи ҳамда таржимада лакуналарни бартараф этиш муаммоси Ш.Усманова, В.Муравьев, Ю.Сорокин, И.Марковина, Б.Дашидоржиева, М.Бекасов, Н.Дзида, Л.Леонова, К.Хейл, Ч.Хоккет ва бошқалар ишларида фалсафий,

---

[3] Абдуазизов А.А. Тилшуносликнинг бошқа фанлар билан алоқаси. – Т., 2004; Ashurova D.U., Galieva M.R. Cultural Linguistics. – T.: VneshInvestProm, 2018; Сафаров Ш. Когнитив тилшунослик. – Жиззах: Сангзор, 2006; Джуманова Д.Р. Specific features of linguoculturemes// Филология масасалари. Илмий-методик журнал. № 3-4. – Т., 2014. — С. 49-52; Верещагин Е.М., Костомаров В.Г. Язык и культура. – 3-е, изд., перераб. и доп. – М., 1983; Воробьев В.В. Лингвокультурология. – М.: Изд-во РУДН, 1997; Алефиренко Н.Ф. Лингвокультурология: ценностно-смысловое пространство языка: учеб.пособие. – 3-е изд. − М.: Флинта: Наука, 2013; Маслова В.А. Лингвокультурология. − М.: «Академия», 2010; Тер-Минасова С.Г. Язык и межкультурная коммуникация. – 3-е издание. – М.: Изд-во МГУ, 2008; Хроленко А.Т. Основы лингвокультурологии. – М.: Флинта: Наука, 2009; Whorf B.L. Language, thought and reality (selected writings of B. L. Whorf). − New York: Wiley, 1956.

[4] Саломов Ғ. Таржима назарияси асослари. – Т.: Ўқитувчи, 1983; Мусаев Қ. Таржима назарияси асослари. – Т.: Фан, 2005; Мирзаев И.К. Проблемы передачи слов, обозначающих реалии французской жизни на узбекский язык: Автореф. дисс… к.ф.н. – Ленинград, 1975; Холбеков М. Таржимашунослик ва таржима танқиди // Мақолалар тўплами. – Т.: Наврўз, 2015; Ғофуров И. Таржимонлик мутахассислигига кириш. – Т.: “Мехридарё”, 2008; Ширинова Р. Диний хос сўзларни бадиий таржимада қайта яратишнинг айрим тамойиллари. (Француз адабиётининг ўзбек тилидаги таржималари мисолида): Филол. фан. номз…. дисс. автореф. – Т., 2002; Сирожиддинов Ш., Одилова Г. Бадиий таржима асослари. – Т.: Мумтоз сўз, 2011; Бархударов Л.С. Язык и перевод: Вопросы общей и частной теории перевода. − 3-е изд. − М.: ЛКИ, 2010. − 240 с; Фесенко Т. Специфика национального культурного пространства в зеркале перевода. – Тамбов: Изд. Тамб. ун-та, 2002; Влахов, С. И. Непереводимое в переводе. − 4-е изд. − М.: Р. Валент, 2009; Гвоздович Е.Н. Безэквивалентная лексика: теория и практика перевода. − Минск: Тетра Системс, 2010; Иванов А.О. Безэквивалентная лексика: перевод, язык, культура. − СПб.: Филол. фак. С.-Петерб. гос. ун-та, 2006; Томахин Г.Д. Реалии – американизмы. − М.: Высшая шк., 1988; Bassnett S. Culture and Translation // The Companion to Translation Studies. Topics in Translation: 34. – Clevedon; Buffalo; Toronto: Multilingual Matters Ltd., 2007; Bassnett, S. The translator as cross-cultural mediator. – Oxford: Oxford University Press, 2011; Venuti L. The Translator’s Invisibility.A History of Translation. – London, New York: Routledge, 1995; Newmark P. A Textbook of Translation. – New York: Prentice Hall, 1988.

[5] Vinay J.-P., Darbelnet J. Comparative Stylistics of French and English: A Methodology for Translation. – Hamel. Benjamins Translation Library, 1995.

лингвистик ва таржима аспектларида тадқиқ қилинди[6]. Шунингдек, фразеологик бирликларнинг тилшунослик фанидаги ўрни ва улар таржимасига оид масалалар Қ.Мусаев, А.Э.Маматов, А.Маматов, Ш.Имяминова, У.Абидходжаева, З.Тешабоева, М.Раджабова, А.Кунин, И.Исабеков, И.Мейсон, Ж.Мюндей, М.Стракшин изланишларида ва шу соханинг бошқа олимлари томонидан очиб берилган[7]. Ўзбек тилидан хорижий тилларга бадиий таржима масалаларида ҳам қатор изланишлар олиб борилди, бироқ ўзбек тилидан инглиз тилига ўгирилган таржима асарларининг лингвомаданий таҳлилига бағишланган ишлар кўлами оз[8], ўтган XX аср ва ҳозирги давр ўзбек насрий асарларининг инглиз тилига таржималари лингвомаданий ёндашув асосида махсус тадқиқ қилинмаган.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Наманган давлат университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг “Таржима назарияси ва амалиётида истиқболли йўналишлар” мавзусидаги илмий лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади ўзбек тилидан инглиз тилига насрий таржималарда эквивалентликка эришишда лингвомаданий ёндашувнинг аҳамиятини очиб беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

таржима контекстида тил ва маданият ўзаро таъсирини тадқиқ қилган ҳолда таржима эквивалентлиги ва унинг назарий асослари бўйича жаҳон таржимашунослигидаги мавжуд қарашларни умумлаштириш ҳамда ўзбек тилидан инглиз тилига насрий таржимада лингвомаданий эквивалентсизликни келтириб чиқарувчи омилларни юзага чиқариш;

---

[6] Усманова Ш. Маданиятлараро мулоқотда лакуналарнинг ўрни // Лингвист. Илмий мақолалар тўплами. – Т., 2013. – Б. 152-156; Муравьев В.Л. Лексические лакуны (на материале лексики французского и русского языков). – Владимир, 1975; Марковина И.Ю., Сорокин Ю.А. Культура и текст. Введение в лакунологию. – М., 2008; Дашидоржиева Б.В. Лакуна в межкультурной коммуникации. − Улан-Удэ, 2013; Бекасов М.Д. Переводческий аспект лакунарности (на материале английского и русских языков): Автореф. дисс. канд. филол. наук. – М., 2012; Дзида Н.Н. Проблема лакунарности в переводе. // Вестник Тюменского государственного университета. 2010. № 1. – С. 162-167; Леонова Л.А. Семантические и структурные аспекты антилакун в двуязычной ситуации. – Калинин, 1980; Hale K. Gaps in Grammar and Culture. Linguistics and Anthropology. – Jisse, 1975; Hockett C.F. A course in modern linguistics. – Toronto: Brett-Macmillan, 1958.

[7] Маматов А.Э. Ҳозирги замон ўзбек адабий тилида лексик ва фразеологик норма муаммолари. – Т., 1991; Маматов А. Фразеологик бирликларнинг лингвомаданий ва семантик-прагматик тадқиқи. – Т., 2018; Абидходжаева У.С. Национально-прагматический аспект при переводе фразеологических единиц: Дисс. канд. филол. наук. – Т., 2002; Раджабова М.А. Ономастик компонентли фразеологик бирликларнинг лингвомаданий жиҳати ва таржима муаммолари: Филол. фан. фалсафа док. (PhD) ... дисс. – Бухоро, 2020; Кунин, А.В. Курс фразеологии современного английского языка. – М., 1986; Исабеков И.Н. Фразеологизмы и проблемы их перевода: Автореф. дисс. канд. филол. наук. – Бишкек, 2004; Munday, J. Introducing Translation Studies: Theories and Applications. – Routledge, Munday, 2001; Strakšiene, M. Analysis of idiom translation strategies from English into Lithuanian. – Studies about languages. No. 14, 2009. – P. 13-19.

[8] Тешабоева З. “Бобурнома” инглизча таржималаридаги фразеологик бирликлар ва уларнинг миллий маданий хусусиятлари: Филол. фан. докт... дисс. – Т., 2017; Ҳошимова Д. “Бобурнома” матнидаги тасвирий воситаларнинг инглиз тилига таржималари тадқиқи: Филол. фан. докт... дисс. – Т., 2018; Буматова А.М. Шарқ лирик жанрларининг инглизча таржималарида шаклий-семантик ва поэтик уйғунлик (ғазал ва рубоий мисолида). Филол. фан. фалсафа док. (PhD) ... дисс. – Т., 2020.

таржимада лакуна ва лакунарликни тадқиқ қилишнинг назарий асосларини умумлаштириш, шунингдек, ўзбек тилидан инглиз тилига таржимада вужудга келадиган лакуналарнинг лингвомаданий ўзига хосликларини юзага чиқариш ва уларни таржимада бартараф қилишнинг оптимал усулларини очиб бериш;

ўзбек тилидаги хос сўзларнинг инглиз тилига таржималарини қиёсий лингвомаданий таҳлил қилиш ҳамда улар таржимасида эквивалентликка эришиш мезонлари ва усулларини назарий жиҳатдан ривожлантириш;

фразеологизмлар таркибидаги лингвомаданий компонентларнинг таржима тилига нисбатан қиёсий таҳлилини олиб бориш ва уларнинг инглиз тилидаги муқобилларини беришда эквивалентликка эришиш йўлларини таклиф қилиш;

ўзбек насрий адабиёти намуналарининг инглиз тилидаги мавжуд таржима вариантларини лингвомаданий таҳлилга тортиш баробарида лингвомаданий компонентли лексиканинг инглиз тилидаги муқобил талқинларини бериш;

лингвомаданий компонентли лексика таркибини тадқиқ қилиш орқали бадиий асар таржимаси жараёнида матн таҳлилига лингвомаданий ёндашувнинг ўзига хослиги ва аҳамиятини очиб бериш ҳамда мазкур ёндашув асосида тавсиялар беришдан иборат.

Тадқиқотнинг объекти этиб XX-XXI асрларда яратилган ўзбек насрий асарлари (роман, қисса ва ҳикоялар) ҳамда уларнинг инглиз тилига қилинган таржималари танлаб олинган.

Тадқиқотнинг предметини ўзбек насрий адабиётидан инглиз тилига таржималарида лакуна, хос сўз, фразеологик бирликларнинг лингвомаданий таҳлили ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот мавзусини ёритишда тавсифий, қиёсий-чоғиштирма, компонент, концептуал, контекстуал, кросс-маданий таҳлил усулларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

ўзбек тилидан инглиз тилига насрий таржимадаги лингвомаданий эквивалентсизлик ҳодисаси эксплицит ва имплицит ифода қилинган миллий-маданий хусусиятлар, эквивалентликнинг алоҳида бирликлар даражасида ўрнатилиш талаби, таржимон шахси, вақтга нисбатан нисбийлик ҳамда ўзбек ва инглиз тиллари ўртасидаги сезиларли маданий тафовутлар каби объектив ва субъектив омиллар туфайли вужудга келиши далилланган;

таржимада лакунани бартараф қилишга қўйиладиган асосий талаб унинг лингвомаданий компонентини экспликация қилишдан иборат бўлиши, мазкур жараён “семик таҳлил” ва “тўлдириш” методлари орқали самарали амалга оширилиши исботланган;

ўзбек тилидан инглиз тилига таржимада хос сўзларнинг этнографик, ижтимоий, ономастик каби лингвомаданий хусусиятлари асосида эквивалентликка эришишда хос сўзнинг контекстдаги муҳимлик даражаси, лингвомаданий табиати, аслият ва таржима тиллари лисоний тизимларининг

имкониятлари, таржима ўқувчисининг маданияти каби омилларни ҳисобга олган ҳолда лексик трансформациялаш зарурлиги асосланган;

ўзбек тили фразеологик бирликлари таржимасидаги лингвомаданий эквивалентлик ҳодисаси эталон образ, миллий-маданий ва услубий коннотация, кўп маънолилик каби хусусиятларини инобатга олиб ўгириш асосида вужудга келиши далилланган;

ўзбек насрий адабиётидан инглиз тилига қилинган таржималарда мавжуд лингвомаданий компонентли лексиканинг инглиз тилидаги алоҳида лексик бирлик ҳамда контекст даражасида сўз маъносини очиб берувчи шарҳ шаклидаги муқобил вариантлари мавжудлиги асосланган;

ўзбек тилидан инглиз тилига бевосита таржима йўналишида тил ва маданият узвий боғлиқлиги шартлари асосида муқобил тикланган лакуна, хос сўз ва фразеологик бирликлар лингвомаданий эквивалентликни таъминлашдаги муҳим омиллар сифатида хизмат қилиши исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

ўзбек тилидан инглиз тилига қилинган таржималарнинг аслиятга нисбатан эквивалентлигини лингвомаданий таҳлил қилиш орқали лингвомаданий компонентли лексика таркибидаги лакуна, хос сўз ва фразеологизмлар таржимасида таклиф этилган стратегиядан амалиётда фойдаланиш мақсадида Таржима назарияси ва амалиёти фани бўйича маъруза ва амалий машғулотларни ташкил қилиш учун методик таъминот ишлаб чиқилган;

ўзбек тилидан бевосита инглиз тилига таржима жараёнида лексика лингвомаданий компонентини ҳисобга олиб ўгириш тавсияларининг асосли илмий-назарий маълумотлар бериши “Таржима назарияси ва амалиёти” “Қиёсий тилшунослик”, “Тилшуносликка кириш” “Лингвомаданиятшунослик”, “Хорижий тилларни ўқитишда маданиятлараро мулоқотни шаклантириш”, “Матн лингвистикаси” каби фанлардан яратиладиган дарслик, ўқув қўлланма, ўқув-услубий мажмуаларнинг мукаммалашувига хизмат қилган;

тадқиқот натижасида лингвомаданий эквивалентлик, лакуна, лакунар бирлик, лакунарлик, делакунизация, элиминация каби терминлар таржимашуносликнинг терминологик аппаратида мустақил тушунчалар сифатида ишлатилиши илмий исботланиб, бу орқали таржимонларнинг атамалар билан ишлаш жараёни осонлаштирилган ҳамда ўзбек-инглиз йўналишидаги таржимани назарий фикрлар билан бойитилган;

ўзбек насрий адабиётидан инглиз тилига қилинган таржималарни лингвомаданий таҳлил қилиш натижасида ишлаб чиқилган амалий тавсиялар “Pearls of the Uzbek prose literature” номи остида нашр қилинган ўзбек ҳикояларининг инглиз тилига таржималари тўпламининг яратилиш жараёнидаги муқобил таржима усулларини қўллашда муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги диссертацион тадқиқотда муаммонинг аниқ қўйилганлиги, чиқарилган хулосаларни тавсифлаш, таснифлаш, адабий-тарихий ва қиёсий таҳлил каби усуллар воситасида

асосланганлиги, ОАК тасарруфидаги махсус журналлар ҳамда хорижий илмий журналларда чоп этилган мақолалар, таклиф ва хулосаларнинг амалиётга жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли давлат тузилмалари томонидан тасдиқланганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундаки, у насрий асарлар бадиий таржимасининг назарий жиҳатларини очиб бериши, жумладан, лингвомаданий компонентли лексика ҳисобланмиш лакуна, хос сўз, тил фразеологик қатламининг инглиз тилидаги муқобил таржима вариантини яратиш каби муаммоларнинг илмий-назарий томонларини ёритишда ўзига хос роль ўйнаши ҳамда ўзбек насрий адабиётининг инглиз тилидаги таржималарини лингвомаданий ракурсда таҳлил қилиш маданий ва адабий алоқалар, қиёсий тилшунослик ва адабиётшунослик, таржимашунослик фанлари ривожига салмоқли ҳисса бўлиб қўшилиши билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, у бир томондан келажакда ўзбек адабиётининг бошқа сара намуналарини инглиз тилига ўгиришда муҳим қўлланма сифатида хизмат қилса, бошқа бир томондан мамлакатимиз олий таълим муассасаларида лингвомаданиятшунослик, матн лингвистикаси, қиёсий адабиётшунослик, стилистика, матн таҳлили, таржимашунослик фанлари бўйича маъруза матнлари тайёрлаш, дарслик, ўқув қўлланмалари ҳамда изоҳли луғатлар яратиш жараёнида қўлланиши мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ўзбек насрий адабиётидан инглиз тилига таржималарнинг лингвомаданий таҳлили бўйича олинган тадқиқот натижалари асосида:

ўзбек тилидан инглиз тилига насрий таржимадаги лингвомаданий эквивалентсизлик ҳодисасининг эксплицит ва имплицит ифода қилинган миллий-маданий хусусиятлари, эквивалентликнинг алоҳида бирликлар даражасида ўрнатилиш талаби, таржимон шахси, вақтга нисбатан нисбийлик ҳамда ўзбек ва инглиз тиллари ўртасидаги маданий тафовутлар каби объектив ва субъектив омиллари хусусидаги хулосалардан 2015-2018 йилларда Наманган давлат университетида бажарилган 561624-EPP-1-UK-EPPKA2-CBHE-SP-ERASMUS+CBHE (2015-3722/001-001-рақамли “Internationalisation and Modernisation of Education and Processes in the Higher Education of Uzbekistan − IMEP (Ўзбекистон олий таълими жараёнини модернизациялаш ва халқаролашувини ривожлантириш) мавзусидаги Erasmus+ capacity building лойиҳасининг НамДУга тегишли бўлган иш жараёнида (work packages which belong to NamSU) фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2021 йил 8 июндаги 89-03-1226-сон маълумотномаси). Натижада олий таълим жараёнини модернизациялаш ва халқаролашувини ривожлантиришга қаратилган вазифаларни амалга ошириш борасида лойиҳа доирасида яратилган илмий-методик тавсиялар мазмуни мукаммаллаштирилган;

таржимада лакунанинг лингвомаданий компонентини экспликация қилиш, ушбу жараённинг “семик таҳлил” ва “тўлдириш” методлари орқали

самарали амалга оширилишига доир илмий асосланган натижаларидан Наманган давлат университетида 2013-2015 йилларда Норвегиянинг Осло Акерсхус амалий фанлар университети билан ҳамкорликда амалга оширилган “Олий таълимда маданиятлараро мулоқот ва таржимашунослик” мавзусидаги CPEALA-2012/10033 рақамли халқаро лойиҳа режасида кўзда тутилган вазифаларни бажаришда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2021 йил 8 июндаги 89-03-1226-сон маълумотномаси). Натижада диссертациядан олинган илмий асосланган хулосалар лойиҳа доирасида ўтказилган семинар-трейнинглар мазмунини бойитишга, икки халқнинг миллий менталитетига хос хусусиятларни аниқлашга хизмат қилган;

ўзбек тилидан инглиз тилига таржимада хос сўзларнинг этнографик, ижтимоий, ономастик каби лингвомаданий хусусиятлари асосида эквивалентликка эришишда хос сўзнинг контекстдаги муҳимлик даражаси, лингвомаданий табиати, аслият ва таржима тиллари лисоний тизимларининг имкониятлари, таржима ўқувчисининг маданияти каби омилларни ҳисобга олган ҳолда лексик трансформациялашга оид илмий хулосалардан Б.Сыдыков номидаги Қирғиз-ўзбек халқаро университети (Қирғизистон Республикаси) Тарих-филология факультетининг 550300 – Филология таълими (Хорижий тил) бакалавриат йўналишида Таржима назарияси ва амалиёти ҳамда Лингвомаданиятшунослик фанларини ўқитишда фойдаланилган (Б.Сыдыков номидаги қирғиз-ўзбек халқаро университетининг 2021 йил 6 майдаги 07/01-6/51-сон маълумотномаси). Натижада Таржима назарияси ва амалиёти ҳамда Лингвомаданиятшунослик фанлари бўйича маъруза ва амалий дарслар материалларининг назарий ва амалий жиҳатдан бойишига эришилган;

ўзбек тили фразеологик бирликлари таржимасида лингвомаданий эквивалентликка эришишда эталон образ, миллий-маданий ва услубий коннотация, кўп маънолилик каби хусусиятларини инобатга олиб ўгиришга доир назарий ва амалий хулосалардан Андижон давлат университетида 2017-2020 йилларда бажарилган ОТ-Ф1-18 “Оммавий лисоний маданиятни шакллантириш методлари ва методологиясини ишлаб чиқиш” давлат илмий-техника дастурлари доирасидаги фундаментал лойиҳаси режасида назарда тутилган вазифаларни бажаришда, жумладан, лойиҳанинг маданиятлараро мулоқот жараёнида юзага чиқадиган лингвомаданий хусусиятларни тадқиқ қилиш билан боғлиқ вазифасини бажаришда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2021 йил 8 июндаги 89-03-1226-сон маълумотномаси). Натижада мулоқотнинг лингвомаданий хусусиятларига оид янгича қарашлар юзага келган;

ўзбек насрий адабиётидан инглиз тилига қилинган таржималарда лингвомаданий компонентли лексиканинг инглиз тилидаги алоҳида лексик бирлик ва контекст даражасида сўз маъносини очиб берувчи шарҳ шаклидаги муқобил вариантларини аниқлашга оид натижа ва хулосалардан Наманган вилоят телерадиокомпаниясининг “Олтин замин” радиосида эфирга узатилган “Тил −миллат кўзгуси” эшиттиришида фойдаланилган (Наманган

вилоят телерадиокомпаниясининг 2020 йил 26 ноябрдаги 08-02-602-сон маълумотномаси). Натижада ушбу эшиттириш учун тайёрланган материалнинг таъсирчанлиги, ранг-баранглиги ортган, мазмунан мукаммаллашган, илмий далилларга бой бўлиши таъминланган;

ўзбек тилидан инглиз тилига бевосита таржима йўналишида тил ва маданият боғлиқлиги шартлари асосида муқобил тикланган лакуна, хос сўз ва фразеологик бирликлар лингвомаданий эквивалентликни таъминлашдаги муҳим омиллар эканлигини асословчи хулосалардан Истанбул Тижорат университети (Туркия республикаси) Ижтимоий-гуманитар факультетининг Ticaret TÖMER курсларида Амалий таржима, Таржима назарияси ва тарихи каби фанларни ўқитишда, амалий таржима дарслари жараёнида фойдаланилган (Истанбул Тижорат университетининг 2021 йил 17 майдаги маълумотномаси). Натижада таклиф этилган материаллар таржима жараёнидаги тилларга доир миллий-маданий хусусиятлар муаммосини ечишга ва уларни таржима қилиш усулларини ёритиб беришга, таржимадаги лингвомаданий жиҳатларни ўрганишга асос бўлиб хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Диссертация натижалари 11 та илмий-амалий анжуманда, жумладан, 3 та республика ва 8 та халқаро миқёсдаги илмий-амалий конференцияларда маъруза кўринишида баён этилган ҳамда апробациядан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси юзасидан 25 та илмий иш, шулардан, 1та монография, 1та рисола, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 12 та мақола, жумладан, 9 таси республика, 1 таси Скопус базасидаги журналда, 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, тўртта асосий боб, умумий хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган. Ишнинг умумий ҳажми 253 саҳифадан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги асосланган, зарурати, мақсади, вазифалари белгиланган, объекти, предмети тавсифланган, республика фан-технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги, тадқиқотнинг илмий янгилиги, илмий ва амалий натижалари очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиниши, илмий муаммо юзасидан нашр этилган ишлар ҳажми, диссертациянинг тузилиш таркиби кўрсатилган.

Диссертациянинг биринчи боби “**Таржимада эквивалентликка эришишда лингвомаданий ёндашув”** деб номланади. Бугунги кунда ўзбек тилидаги адабиётларнинг дунёнинг бошқа тилларига, шу жумладан, инглиз тилига кўплаб таржима қилина бошланиши натижасида, таржимашуносликда янги тажриба сифатида майдонга кириб бораётган ўзбек тилидаги лексик

бирликларнинг инглиз тилидаги мақбул эквивалентини топиш муаммоси долзарблик касб эта бошлади. Ҳар қандай таржима асарига бериладиган баҳо унинг аслиятга эквивалентлик даражаси билан белгиланади. Таржима тарихидан аёнки, эквивалентликка эришиш жараёни турлича ёндашувлар асосида кечади ҳамда ушбу ёндашувларнинг айримлари замонавий давр талабларига жавоб бермай қолиши ҳисобига такомиллаштирилади ёки ўрнини янгича қараш билан тўлдирилади.

ХХасрнинг иккинчи ярмидан сўнг таржима ва таржимашунослик масалаларига нисбатан ўзгача ёндашувлар вужудга кела бошлади. Лингвистик таржима мактаби вакиллари томонидан таржима жараёнини тасвирлашдаги ҳаракатлари ўз йўналишини ўзгартирди. Таржиманинг лингвистик назариясидаги лингвоцентрик (тил − матн нисбати) ҳамда текстоцентрик (матн автоном-структур бутунлик сифатида) ёндашувларидан кўра таржимон ва реципиент шахси, этнопсихолингвистик ва маданий омилларга қизиқиш ортганини англатувчи антропоцентрик парадигманинг долзарблик касб эта бошлаши таржима ишига бўлган қарашларнинг кескин ўзгаришига сабаб бўлди. Ушбу ўзгаришга кўра, таржимага анъанавий лисоний трансформациялар жараёни эмас, балки тиллар ва маданиятлар нисбати сифатида қараш бошланди. Таржимашунослик фанида “маданий бурилиш” номи остида таржима жараёнини лингвистик ва маданий аспектлар уйғунлигида амалга ошириш зарурати пайдо бўлди.

Таржиманинг барча йўналишлари тилларо, ва ўз навбатида, маданиятлараро мулоқотни амалга оширишга қаратилган экан, иккинчисининг масалалари таржима назариясида ҳам тадқиқ қилинади. В.Н.Комиссаровнинг фикрича, тил эгаларининг маданияти билан чамбарчас боғлиқ ҳолда шаклланган тил хусусиятлари таржима назарияси учун ўта аҳамиятлидир, сабаби айнан шу хусусиятлар “тил тузилмасининг турли сатҳларида, вербал мулоқот шартларида ҳамда тилдан ташқаридаги борлиқни тасвирлаш усулларида намоён бўлиши мумкин”[9]. Илмий парадигмаларнинг алмашиши ва глобал мулоқотдаги сезиларли ўзгаришлар таржимашуносликда янги йўналишларнинг вужудга келишига туртки бўлмоқда. Таржимада турли тил сатҳларида энг мақбул, сифатли эквивалентликка эришиш таржима назариясидан ташқари тилшуносликнинг бошқа илмий йўналишлари, шу жумладан, лингвомаданиятшуносликда ҳам асосий масалага айланди. Таржимада эквивалентсизлик муаммоларини тил ва маданиятнинг узвий боғлиқлигида тадқиқ қилиш долзарблик касб этади ва ушбу масала таржима муқобиллигига бўлган лингвомаданий ёндашув асосида тадқиқ қилинишини тақозо этади.

Таржима эквивалентлиги масалалари хорижда Т.Сейвори, Ж.Ферс, Ж.Кэтфорд, М.А.К.Хэллидей, Ю.Найда, П.Ньюмарк, Л.Венути, Россияда Н.Чуковский, А.В.Федоров, Я.И.Рецкер, Л.С.Бархударов, В.Н.Комиссаров, А.Д.Швейцер, В.Г.Гак, В.С.Виноградов, Н.К.Гарбовскийлар ҳамда ўзбек тилшунос ва таржимашуносларидан Ғ.Саломов, Н.Комилов, Ж.Шарипов,

[9] Комиссаров В.Н. Современное переводоведение. Курс лекций. − М.: ЭТС. — 1999. − С.64.

Н.Владимирова, Қ.Мусаев, М.Холбеков ва бошқа қатор олимларнинг илмий изланишларида тадқиқ қилинган. “Эквивалентлик ҳар қандай турдаги таржима сифатини белгиловчи мезондир”[10]. Эквивалентлик ва эквивалентсизлик тушунчалари илк бор Е.М.Верещагин ва В.Г.Костомаровлар томонидан илмий муомалага киритилган бўлиб[11], таржимада муқобилсизлик муаммоси, шунингдек, ХХ асрнинг иккинчи ярмидан инглиз олимлари ишларида ҳам кўриб чиқила бошланди[12]. Эквивалентлик масаласида А.О.Иванов қуйидагича фикр билдиради: “Агар биз таржима назариясининг энг муҳим муаммосини ажратиб кўрсатадиган бўлсак, буни эквивалентлик муаммоси деб аташ мумкин. Таржиманинг барча муаммоларида у марказий ўринни эгаллайди”[13]. Таржима жараёнида тиллардаги эквивалент компонентларни юзага чиқариш ва қўллашдан асосий мақсад шундан иборатки, ёзма ёки оғзаки матн мазмунини бир тилдан иккинчи тилга адекват, тўғри ва мувофиқ берилиши лозим. Бизнингча, “бошқа тилга таржима қилиб бўлмайдиган тушунча ва сўзларнинг мавжуд бўлишига” асосий сабаб, маданият ва маънавий қадриятларнинг ранг-баранглигидадир ва уларнинг ҳар бир тилда ўзига хос такрорланмас тушунча ва белгиларни қолдиришидадир. С.Г.Тер-Минасованинг таъкидлашича, маданиятлар диалогидаги тўқнашувларга мулоқот иштирокчиларининг ижтимоий ва маданий тажрибасидан, шунингдек, алоҳида этнос вакили сифатида суҳбатдошининг лисоний онги ва дунёқарашидан бехабарлиги сабаб бўлади[14]. У ёки бу маданиятга дахлдорлик маълум жамиятнинг менталитетини шакллантиради ва ҳар бир миллий маданият ўзининг маданий маъноларига эга бўлиб, улар тилга ўрнашиб мустахкамланади.

Ғарбда “маданий жиҳатдан таржима қилиб бўлмаслик” (cultural untranslatability) илк бор Ж.Кэтфорд томонидан тилга олинган, лекин таржима фанининг культурологик йўналиши асосан 90-йилларда ажратиб кўрсатилди ҳамда С.Басснетт ва А.Лифивер сингари таржимашунослар фанга “маданий бурилиш” атамасини киритишга муваффақ бўлишди. С.Басснетт таржима нафақат матнларни бир тилдан иккинчи тилга ўтказиш, балки матнлар ва маданиятлар ўртасидаги музокара жараёни экани ҳақидаги ғояни илгари суради[15]. Олиманинг таъкидлашича, “маданият томон бурилиш” И.Ивен-Зохар, Г.Тури, Дж.Холмс тадқиқотлари, Х.Фермеер ва К.Райсларнинг “скопос назарияси”, шунингдек, М.Бейкер томонидан ишлаб чиқилган корпус тилшунослик принципларига асосланади. С.Басснетт ва А.Лифиверлардан ташқари ушбу йўналишнинг асосий вакиллари сифатида М.Кронин, Э.Гентцлер, Л.Хардвик, Т.Херманс, Д.Робинсон, Л.Венути ва бошқалар тан олинган. Қатор рус олимлари таржиманинг культурологик

---

[10]Саломов Ғ. Таржима назарияси асослари. – Тошкент: Ўқитувчи, 1983. – 220-бет.

[11]Верещагин Е.М. Язык и культура. − 3-е, изд., перераб. и доп. − М., 1983. − С. 15., С. 53.

[12]Savory T.The art of translation / T.Savory. – London, 1957. – P. 14; Nida E. The theory and Practice of Translation / E.Nida, Ch.R.Taber. − Leiden, 1969. – P. 12.

[13]Иванов А.О. Безэквивалентная лексика: перевод, язык, культура: учеб. Пособие. – СПб.: Филол. фак.Санк-Петербург. гос. ун-та, 2006. – С. 75.

[14]Тер-Минасова С.Г. Язык и межкультурная коммуникация: учеб.пособие. – М.: Слово/Slovo, 2008. − 264 с.

[15] Bassnett S. Translation Studies (third edition) – N. Y.: Routledge, Taylor & Francis e-Library, 2005. – P. 6.

аспектига алоҳида эътибор бериб ўтишган. Таржимашуносликда доимо нутқдаги вазият ва маълум шарт-шароит ҳисобга олинади, сабаби таржимон бир вақтнинг ўзида икки миллий концептосфера ичида туради: “таржима шундай жараёнки, унда турли маданиятлар, турфа хил шахслар, турлича фикрлаш даражалари, фарқли адабиётлар, фарқли босқичда турган ривожланиш, хилма-хил анъана ва кўрсатмалар тўқнаш келади”[16]. А.Д.Швейцер таржимани “икки тил, икки маданият, икки коммуникатив вазият тўқнаш келувчи тилларарo ва маданиятларарo алоқа жараёни” деб билади[17]. Тилларарo ва маданиятларарo мулоқот шароитида эквивалентликка эришиш масаласи таржимага нисбатан кенг кўламли фанларарo лингвомаданий ёндашув асосида ҳал этилади. Таржимага бўлган лингвомаданий ёндашув таржима усуллари йиғиндисининг тор доирадаги анъанавий шарҳидан кенг тарихий шарҳга ўтишга имкон беради ва у тилларарo муносабат контекстида ечим топади. Маданий компонентга эга ҳисобланувчи бирликларнинг маъновий лингвомаданий таҳлили чуқур ва кенг ҳажмли экспликацияга йўл очади.

Таржимада аслиятнинг ҳам лисоний, ҳам миллий-маданий хусусиятларини баробар акс эттира олиш тўлақонли таржима шартларига кирар экан, биз, ушбу ҳолатни “лингвомаданий эквивалентлик”ка эришиш деб аташни маъқул кўрдик ҳамда ушбу тушунча юқорида тилга олинган таржимадаги тил ва маданият ўзаро таъсири натижасида вужудга келадиган тегишли масалаларни қамраб олишини таъкидлаймиз. Жумладан, мазкур таржима мезони лингвомаданий эквивалентсизлик (таржимада тил ва маданият ўзаро боғликлиги омили туфайли юзага чиқадиган муқобилсизлик ҳолати) ва лингвомаданий эквивалентлар (аслият ва таржима тилидаги лисоний ва маданий хусусиятлари жиҳатидан бир бирига мос келувчи лексик бирликлар) каби кўрсаткичларга таянади ва шу асосда маълум хулосалар чиқаради. Лингвомаданиятшунослик фан сифатида тил ва маданият ҳодисаларига тизимли ва интегратив ёндашишини, тил ва маданият бирликлари бир бутунликда ўрганилишини ҳисобга олиб, биз ўз тадқиқотимизда таҳлилга тортган лексик бирликларни умумий − “лингвомаданий компонентли лексика” номи остида таснифлаш ва тадқиқ қилишга қарор қилдик.

Лингвомаданий жиҳатлар турли усуллар орқали, энг аввало, лингвомаданий ёки миллий ўзига хос компонентга эга лексика − фразеологик фонд, хос сўз, семантик лакуна, коннотация, аллюзия, юмор, сўз ўйини, турли бадиий ифода воситалари кўринишида матнда репрезентация қилинади. Аслият матнидаги маданиятни репрезентация қилиш усулларининг барчаси маълум таржима мураккабликларини келтириб чиқаради ва улар қуйидаги сабаблардан бири билан боғлиқ бўлиши мумкин: “ўзга маданият ҳодисаси таржима тили соҳибларига нотаниш бўлса” ёки “маданиятнинг бир хил ҳодисаси икки тил вакиллари томонидан икки хил

[16] Комиссаров В.Н. Современное переводоведение. Курс лекций. — М.: ЭТС. — 1999. – С.11.

[17] Швейцер А.Д. Теория перевода: Статус, проблемы, аспекты. Отв. ред. В. Н. Ярцева. – 2-е. изд. – М.: Книжный дом “ЛИБРОКОМ”, 2009. –С.75.

талқин қилинса”. Ш.Сафаровнинг ҳам таъкидлашича, “турли маданият вакиллари учун категориялаштириш ҳодисаси бир хилда кечмайди”[18]. Лексик бирлик маъносида лингвомаданий компонентнинг мавжудлиги тушуниш жараёнини мураккаблаштириб, таржима ишини қийинлаштиради. Юқорида санаб ўтганларимиз гомоген эмас, балки гетероген хусусиятга эгадир, ҳамда айнан улар юқори маданий бўёқдорликка эга бўлгани сабабли таржимада лингвомаданий ёндашув асосида ўгирилиши лозим бўлган бирликларни ташкил этади. Диссертация ҳажми билан боғлиқ сабабга кўра биз уларнинг орасидан энг йирик гуруҳларни тадқиқот предмети сифатида олдик. Булар: 1) хос сўз ва тушунчалар; 2) лакуналар; 3) фразеологик бирликлардир. Ушбу тил бирликларини ўзбек тилидан инглиз тилига таржима назарияси ва амалиётида етарлича ўрганилмаганлиги ҳамда таржимада энг кўп қийинчилик туғдириши каби мезонларга кўра ажратиб олдик. Юқорида санаб ўтганимиз лингвомаданий компонентли лексиканинг таржимада муқобил тикланиши таржима эквивалентлигини таъминлашдаги энг муҳим омилдир. Айниқса, миллий-маданий хусусиятлари ёрқин ва кенг қамровда акс этувчи насрий асарлар таржимасида, биринчи навбатда, таржиманинг лингвомаданий муаммоларини ҳал этмоқ мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Тадқиқотнинг иккинчи боби **«Таржимада лакуналарнинг назарий талқини ҳамда унга бўлган лингвомаданий ёндашув мазмуни»** деб номланади. Мазкур бобда таржима эквивалентсизлигига сабаб бўлувчи лингвомаданий компонентли лексика кўринишларидан бири − лакунар бирликлар ва лакуналар назарияси, ўзбек тилидан инглиз тилига таржимада вужудга келадиган лакуналарнинг лингвомаданий ўзига хосликлари ҳамда уларнинг таржима жараёнидаги элиминацияси каби ўзаро боғлиқ муаммолар тадқиқ қилинган.

Лакуналар тилларнинг миллий-маданий ўзига хослигидан дарак беради ва бу ўзига хослик маълум халқнинг турмуш шароити, дунёқарашининг ўзгачалиги, психологияси, анъаналари туфайли вужудга келган образ ва тушунчаларнинг бошқа тилларда мавжуд эмаслиги билан изоҳланади. Ҳозирги даврда лакунарлик ҳодисаси маданиятлараро мулоқот ва таржимашуносликдаги ижтимоий омил сифатида Ю.А.Сорокин, И.Ю.Марковина, Г.В.Быкова, Б.В.Дашидоржиева, В.П.Белянин, З.Д.Попова, И.А.Стернин, Л.С.Бархударов, Е.А.Эйнуллаева, И.И.Ревзин, В.Ю.Розенцвейг, Ю.С.Степанов, В.Г.Гак, В.Л.Муравьёв, К.Хейл, Ч.Хоккет, М.Шаттлуорт, И.В. Томашева, Е.Ф.Тарасов, Н.В.Уфимцева, А.Н.Крюков, В.И.Жельвис, Эртельт-Фиит, И.Панасюк, Х.Шрёдер, Э.Гродзки, В.А.Маслова, А.Т.Хроленко, Н.Л.Глазачева, О.А.Огурцова, Л.А.Леонова М.А.Стернина, А.А.Махонина, Д.И.Ермолович, М.Д.Бекасов, Н.Н.Дзида ва бошқаларнинг тадқиқотларида ёритилган. Лакуналар назарияси нуқтаи назаридан олиб қаралганда, лакуналар “у ёки бу тил эгаларининг вербал ва новербал хатти-ҳаракатларини таққослаш давомида кузатилган тафовут ҳолатлари” сифатида

[18] Сафаров Ш. Когнитив тилшунослик. – Жиззах: Сангзор, 2006. – 65-бет.

талқин қилинади[19] ва бунда шахслараро ҳамда маданиятлараро мулоқот “мулоқотчилар олам манзараларининг номувофиқ келаётган” қисмларини аниқлаш учун шароит яратади[20]. Лингвомаданий йўналиш контекстида лакуналар “бошқа маданият вакиллари томонидан қабул қилина олмайдиган стереотиплик табиатига эга унсурлар” (В.А.Маслова), “тилнинг лексик сатҳидаги жимлик” (А.Т.Хроленко), “исталган турдаги алоқа иштирокчилари орасидаги тушунишни қийинлаштирувчи лингвомаданий феномен” (Н.Л.Глазачева) сифатида шарҳланади. Лингвомаданий тадқиқотларда лакуна лингвомаданий таҳлил самарадорлиги (Ю.А.Сорокин, В.И.Жельвис, И.В.Томашева, Л.К.Байрамова, А.Эртельт-Фиит, А.С.Никифорова, Л.А.Курылева), лакуна ва концептлар нисбати (И.А.Стернин), культуремалар назарияси (А.Эртельт-Фиит, Э.Гродзки) ва бошқа нуқтаи назарлардан ўрганилади.

Ҳозирга қадар лакуна тушунчасини “тилнинг семантик харитасидаги “оқ доғлар”, “тилнинг лексик тизимидаги тушириб қолдирилган қисмлар, сўзларнинг етишмаслиги”, “маълум тилнинг лисоний меъёрида ўрнашмаган тушунчалар”, void, semantic void, blank space, gap, lacuna, random holes in patterns каби турли атамалар билан номлашга ҳаракат қилинди. Ўзбек тилшунослигида олиб борилган тадқиқотларда, гарчи лексик лакуна атама сифатида ишлатилмаган бўлса-да, унинг таърифига мос келувчи ва хусусиятларига ишора қилувчи назарий фикрлар келтирилади. Жумладан, Ш.Сафаров “маданиятда мавжуд бўлган когнитив бирликларнинг баъзилари лисоний воқеланиш жараёнидан четда қолиши, яъни лисоний ном (шакл) олмасдан қолиши ҳам эҳтимолдан холи эмаслиги”ни таъкидлаб, бунга ўзбек тилида лисоний номланган “ростгўй” концептининг рус ва инглиз тилларидаги муқобиллари йўқлигини мисол келтиради[21]. Умумлаштирувчи таҳлиллардан келиб чиқиб, биз Л.С.Бархударовнинг “тасодифий лакуна” термини остида назарда тутган тавсифидан фойдаланган ҳолда, таржимашунослик илмида “**лексик лакунарлик**” атамасини лакуналар туфайли таржимада вужудга келган муқобилсизлик ҳолатига, **лакуна** атамасини “аслиятдаги эквивалентсиз бирликнинг таржимасиз қолгани туфайли таржимада пайдо бўладиган бўшлиқ”қа, **лакунар бирлик** атамасини “таржима тилида лакуна (бўшлиқ) ҳосил бўлишига сабаб бўлувчи аслият тилидаги эквивалентсиз бирлик”ка, “**делакунизация**”ни таржимадаги муқобилсизлик ҳолати сабабларини очиб беришга, “**элиминация**”ни тегишли таржима усулларини қўллаган ҳолда таржимадаги лакунани бартараф қилишга нисбатан қўллашни маъқул топдик. Атамаларни қўллаш борасида аниқлик киритиш лакуна тушунчасига таржимашунослик нуқтаи назаридан ёндашганимиз учун керак бўлади.

---

[19] Сорокин Ю.А. Переводоведение: статус переводчика и психогерменевтические процедуры. – М.: ИТДГК «Гнозис», 2003. – С. 14.

[20] Марковина И.Ю. Элиминирование лакун как действие социально-психологических механизмов «притяжения» и «отталкивания» // Теория лакун в исследовании проблем межкультурного общения. // Вопросы психолингвистики № 3, 2006. Институт языкознания РАН, 2006. – С. 5.

[21]Сафаров Ш. Когнитив тилшунослик. – Жиззах: Сангзор, 2006. – 73-бет.

Ишда ўзбек тилидан инглиз тилига насрий асарлар таржимаси таҳлилида аниқланадиган лакуналар тадқиқи учун қиёсий ва семик таҳлил методларидан, концепт ва атамаларнинг лингвомаданий ҳамда интерпретатив методларидан фойдаланишни мақсадга мувофиқ деб топдик. Таржима тилида лакуналар ҳосил қилувчи бирликларни тавсифлаш учун ушбу бирликларнинг аслият тилидаги таърифларидан (ўзбек тилидаги сўзларнинг изоҳли луғатидан) фойдаланилди. Лакуналарни аниқлаш мезонларини тузишда биз И.А.Стернин ва З.Д.Поповаларнинг методларига таяндик, яъни уларга кўра, лакунанинг мавжудлигига сўзнинг маъносини тушунтиришга қаратилган кенг ёйиб берилган дефиниция (баъзида изоҳлар билан), сўз мазмунини очиб беришга қаратилган кенг синонимик қатор ишора қилиши мумкин[22]. Аниқланган ва ажратиб олинган лакуналарни таснифлашда И.Ю.Марковина ва Ю.А.Сорокинларнинг лингвомаданий лакуналарга асосланган умумий типологизация қилиш мезонларидан фойдаланилди. Тадқиқот жараёнида В.Л.Муравьевнинг нисбий, мутлақ, вектор ҳамда услубий лакуналарга ажратувчи назариясига ҳам таянганмиз.

Бир тилда лексик жиҳатдан қайд қилинган тушунчани бошқа бир тилда сўз ёки муқим сўз бирикмаси билан ифодалаш имконининг мавжуд эмаслиги **мутлақ лакуна**ларнинг келиб чиқишига сабаб бўлади. Хусусан, мутлақ лакунага “*шаҳло*” (кўз) сифати мисол қилиб олиниши мумкин, чунки ушбу лакунар бирликни инглиз тилига ўгириш учун мазкур тушунча қамраб олган барча сифатларни (катта-катта, чиройли шаклли ва қора) эътироф этиш лозим, бу эса, бир сўз сарҳадида амалга ошириб бўлмайдиган ишдир. Масалан, “Ўткан кунлар” асарида ушбу сўз алоҳида бадиий аҳамият касб этиб, бош қаҳрамон Кумушнинг тенги йўқ гўзаллигини тасвирлашда муаллиф фойдаланадиган асосий сифатлардан бири ҳисобланади:

Шаҳло *кўзлар, ўсиқ жинггила кипраклар, қундуз қош ва қора холлар ва бошқа латофатлар ўзига писанд бўлмадилар..; камон қошлари ортиқ мавж уриб ўзини кўрсаткан, бир оз бота тушкан* ***шаҳло*** *кўзлар тағин ҳам тим қоралиқ, тағин ҳам нурлилик касб эткан эдилар;* ***шаҳло*** *кўзлари кулимсирашка яқин ҳолда уятлик эдилар; иккинчи ёқдан ўзини асир эткан* ***шаҳло*** *кўзлар унга нафратланиб қарағандек бўлурлар, гўёки вафосиз, ваъдасиз, деб қичқирарлар эди…* Асарнинг уч хил талқиндаги таржималарида ушбу лакунани ҳар гал турлича тўлдиришга ҳаракат қилинган: *beautiful dark eyes, large and beautiful eyes, big, beautiful black eyes, beautiful eyes, large eyes, Large, beautiful black dark eyes, imploring eyes, seductive eyes, alluring eyes, bewitching eyes, seductive doe eyes.* Кўрганимиздек, аслиятдаги бирликка муқобил бир сўзлик таржима йўқ, бир сўзлик ифодаланганлари ҳам ёки тўлиқ тушунча мазмунини қопламаган, ёки услубий бўёқдорлик касб этувчи бошқа сифатлар билан умумлаштириб берилган ёки таржимада тушириб қолдирилган.

Мутлақ лакуналардан фарқли равишда нисбий лакуналар икки тилдаги умумий маънога эга бўлган сўзларнинг қўлланиш такрорийлигини

[22] Попова З.Д., Стернин И.А. Когнитивная лингвистика. – М.: АСТ: Восток-Запад, 2010. – С. 314.

қиёслаганда ажралиб чиқади. Иккинчи тилга қиёсан олинганда, биринчи тилдаги сўзнинг қўлланилиш даражаси пастлигини кўрсатувчи қуйидаги далиллар лакунанинг нисбийлигини исботлайди: 1. Бир тилдаги сўз умуман иборалар таркибида келмайди ёки ўта кам ҳолатда келади ва айнан шу сўз иккинчи тилда иборалардаги энг кўп ишлатиладиган семантик ўзак ҳисобланади. 2. Бир тилда кўчма маъноларга эга бўлмаган сўз иккинчи бир тилда бошқача маънолар касб этади. 3. Бир тилда паст даражали деривация билан характерли бўлган сўз иккинчисида кўп сонли сўз ясаш жиҳатига эга бўлади. В.Л.Муравьев ушбу учта асосни нисбий лакуналарни аниқлашдаги ишончли мезонлар сифатида тавсия қилади. Биз бунинг давоми сифатида шахсий кузатувларимиз натижаси асосидаги қуйидаги тўртинчи далилни ҳам қўшимча қиламиз: 4. Лакунанинг нисбийлашуви лакуна-сўзга ҳамроҳ бўлиб келувчи маънони иккинчи бир тилда юзага чиқариш эҳтиёжининг йўқлиги ҳисобига содир бўлади. Жумладан, "*барака*" лексемасини таҳлилга тортсак. "*Барака*" *– дуо, розилик, ижозат, бирор нарсанинг кутилган даражадан ҳам мўл-кўллиги, насиба, неъмат, эҳсон, фойда, наф, самара, унум, натижа* мазмунида қатор ибора, кўчма маъноларда ишлатиладики, унинг бу юқори қўлланиш даражаси, қайсидир маънода, ўзбек менталитетининг ҳамма нарсанинг Аллоҳ томонидан назр қилиниши, сабр-тоқат ва меҳнат сингари концептлари билан уйғунлашуви туфайли изоҳланиши мумкин. "*Сербарака, баракатли, баракасиз, баракат, барака кўсак, баракаси кўтарилмоқ, барака келтирмоқ, борига борака, ҳирмонга барака, қўлида баракаси йўқ, барака қилмоқ, барака топ*" сингари сўз ва иборалар ўзбекона турмуш тарзи, ижтимоий ҳаётида алоҳида ўрин тутадики, бу лексеманинг бошқа тилларга, хусусан, инглиз тилига нисбатан нисбий лакунарлигининг белгиланишига асос бўлади. Ушбу сўз контекстда келишига кўра инглиз тилидаги "*blessing(s), bounty; profit*" сингари таржималарига эга бўлиб, уларнинг бирортаси аслиятдаги сингари юқори қўлланилиш даражасига эквивалент бўла олмайди. Масалан, қуйидаги гапда ушбу лексема кенгайтирилган таржима усули орқали инглиз тилига ўгирилганини инобатга олсак, унинг нисбий лакунага яққол мисол бўлишини кўришимиз мумкин: ***Барака топинглар***. *Раҳмат... (Ш.Холмирзаев, 69). − Let* ***God make bounty your companion***. *Thank you (Ш.Сатторов, web-site).* Ёки кўп ҳолларда умумий сифатловчи лексик бирлик билан лакунанинг тўлдирилиши кузатилади: *Ҳеч бўлмаса,* ***барака топинг****, де (Т.Мурод, 2). − At least* ***wish us goodness*** *(А.Обидов, web-site).* Ёки навбатдаги мисол таржимаси ҳам ғализ ҳисобланади: *Мен ота касбимдан* ***барака*** *топмайдиган кўриндим (Ғ.Ғулом,107). – I thought my father's job* ***was useless*** *for me (Naughty boy., 15).*

Шунингдек, турли тилларда тушунча ҳажмларининг бир-бирига мос келмаслигига кўра миқдорий тафовутлар билан характерланувчи лакуналар ҳақида ҳам фикр юритиш жоиздир. Хусусан, ўзбек тилидаги қариндошлик атамалари инглиз тилига нисбатан кенг бўлиб, инглиз тилида битта ном билан аталган сўзга ўзбек тилидаги қатор тушунчалар тўғри келади. Масалан, *қайин сингил, қайин опа, янга (келинойи), овсин* сингари отлар учун биргина *sister-in-law* муқобили бор. Қуйидаги қайинсингил ва янга сухбати акс этган вазиятда ушбу икки номнинг муаллиф томонидан такроран

ишлатилиши кузатилади ҳамда инглиз тилига таржимада микро матннинг айнан шу ҳолатда ўгириб бўлмаслиги аён бўлади. Таржимон "*янга*"ни кўп жойларда *she* олмоши билан алмаштириш ҳисобига тушунмовчиликнинг олдини олишга ҳаракат қилган: ***Қайнсинглисига*** *тикилди-тикилди, мийиғида кулди-кулди. — Уялсанг-уялмасанг, бу баримизнинг бошимизда бор савдо, — деди* ***янга*** *бўлмиш…* ***Янга*** *бўлмиш кенжасини Оймомога берди (Т.Мурод, 4). − She stared at her* ***sister-in-law*** *and smiled. – You feel shy or not, this will happen to all of us, –* ***she*** *said...* ***The sister-in-law*** *gave her younger child to Oymomo (А.Обидов, web-site).* Бу ҳодиса бир тилнинг иккинчисига нисбатан қариндошлик атамаларини деталлаштириб номлашга мойил эканлигидан далолат беради. Яна услубий лакуналар ҳам мавжудки, уларнинг таржимада вужудга келиш омиллари алоҳида тадқиқот манбаига айланади. Ўз номидан айтиб турганидек, услубий лакуналар бир тилда мавжуд бўлган сўз ёки иборанинг услубий бўёқдорлиги иккинчи бир тилда шу мазмундаги сўз ёки иборада мавжуд эмаслиги ҳолатида вужудга келади. Масалан, юқори услубга тегишли ҳамда киноя, пичинг каби эмоционал бўёқдорликка эга "*камина*" сўзи инглиз тилидаги услубан нейтрал *"I" (мен)*га эквивалент бўла олмайди: ***а)*** *Аммо* ***каминалари*** *бу хусусдаги айбни сизнинг устингизга бутунлай юклай олмаймиз,… (Ўткан кунлар, 135).* ***1. I*** *do not blame you (К.Эрмакова, 135).* ***2. I*** *couldn`t blame you for it (И.Тўхтасинов, 141).* ***б)*** *Бундан ташқари, ўзингизга маълум,* ***камина*** *кутубхонанинг, айниқса, фундаментал кутубхонанинг фаол ўқувчиларидан. (Ш.Холмирзаев, 68) − And as you know,* ***I'm*** *an active reader of the public library (Ш.Сатторов, web-site).* ***в)*** *...суриштириб келса, Фарҳод тоғнинг нарёғидан,* ***камина*** *бу ёғидан бўлиб чиқди (Э.Аъзам, 107). − First of all,* ***like myself****, he was a man born in a remote mountainous area (А.Обидов, 103).* Келтирилган мисоллардан англашилганидек, *камина* таржима вариантларида бевосита *I (мен), ту (менинг) ва myself (ўзим)* услубан бетараф бўлган муқобиллар билан берилаётган бўлиб, аслиятдаги ушбу сўзга таржима тилида ана шундай услубий бўёқдорликка эга муқобил мавжуд эмаслиги боис у услубий лакуна мақомини олмоқда.

Лакуналарни икки асосий усул – тўлдириш ва компенсация қилиш орқали элиминация қилинади. Таржима тилида вужудга келган маълум турдаги лакунанинг қанчалик адекват тўлдирилганлиги ёки компенсация қилинганлигини таҳлил қилишдан аввал аслият тилидаги лакунар бирликнинг тегишли семема таҳлилини ўтказиб олиш зарур. Бунда лексеманинг "Ўзбек тили изоҳли луғати"да келтирилган муқим семемалари қаторида, контекстда қўлланиш мақсадидан келиб чиқиб, **доминант** семемани ажратиб кўрсатилади. Сўнг тегишли таржима вариантларида лакунар бирликка муқобил сифатида келтирилган бирликлар маъносининг доминант семемага мувофиқлиги аниқланади. Таржимадаги бирликнинг доминант семемага мувофиқлиги ҳолатида "+" ишораси билан белгиланади. Мана шу модель асосида қатор лакуналарнинг мувофиқ элиминация қилинганлик даражаси аниқланган. Хусусан, мисол тариқасида *"ҳалол"* лексемаси ва унинг таржималарини семема таҳлилига тортамиз. Сўзнинг инглиз тилида лакунар эканлиги лакунани аниқлаш мезонларига кўра

белгиланган тартибда аниқланган, жумладан, луғатларда “*ҳалол*” инглиз тилига *lawful to eat (acc. To Islam), "kosher"; lawfully, rightfully earned; upright, honest; lawfully married* сингари аналоглар билан таржима қилинган, ҳамда ушбу сўзга якка сўз ёки муқим ибора шаклидаги эквивалентнинг мавжуд эмаслигига кўра, “*ҳалол*” ўзбек тили фонида инглиз тилида вужудга келган нисбий лакуна тури ҳисобланади. Мисол:

— *Ман мавизни тамом шаръий қилиб тайёрлайман, тунов кун маҳалламизнинг охунлари ҳам* ***ҳалоллиғига*** *фатво бериб кетдилар (Ўткан кунлар, 189).* – ***1.****Why, just a few days ago, even the akhund* of our precinct confirmed that it* ***is permitted*** *(К.Эрмакова, 177).* ***2.*** *One of these days even the confessor of our community has told me that it* ***is permitted*** *(И.Тўхтасинов, 186).* ***3.*** *A few days ago, even the akhunds of the mahalla certified it as* ***halal*** *(М.Риз, 309).* Лакунар бирликнинг семема таҳлилини ўтказамиз (1.1-жадвал):

1.1-жадвал.

Лексик лакунар бирликнинг аслият ва таржимадаги семема таҳлили

Лексема	**Семема 1 (доминант)**	**Семема 2**	**Семема 3**	**Семема 4**	**Семема 5**
Ҳалол	Шариат ҳукмига мувофик еса, ичса фойдаланса бўладиган; ҳаром эмас	Кишининг ўзига қарашли, ўз меҳнати билан, пешона тери билан топилган; ҳиёнат, ғирромликдан ҳоли	Никоҳлаб олинган, қонуний	Ғирромликка ўрганмаган, қинғир йўлдан бормайдиган, бировни алдамайдиган; тўғри, софдил	Ўзбек курашида соф ғалабага берилган баҳо
To be permitted	+	-	-	-	-
Halal	-	-	-	-	-

Таҳлилий жадвалдан маълум бўлишича, икки таржима вариантида лакуна “*to be permitted (руҳсат берилмоқ)*” шаклида тўлдирилган бўлиб, бу маъно контекст ичидаги “шариат қонунлари асосида тайёрланмоқ” изоҳи ҳисобига янада ойдинлашган. Учинчи таржимада “*halal*”нинг ҳеч қандай изоҳсиз транслитерация қилиниши таржима ўқувчисини чалғитади ва бизнингча, ушбу мисол таржимасидаги лакуна “*to be permitted to consume*” вариантида янада чуқурроқ тўлдирилган бўлар эди.

Таржималарда қўлланган усуллар таҳлили натижасида қуйидаги улушларда лакуналар элиминацияси амалга ошганини кузатдик (1.1-расм):

1.1-расм. Таржимада лакуналарнинг бартараф қилинганлик даражалари



Диссертациянинг учинчи боби **“Ўзбек ва инглиз лингвомаданий маконида хос сўзларнинг қиёсий таҳлили ва таржимада эквивалентликка эришиш мезонлари”** деб номланади. Хос сўзлар – маълум маданиятга хос бўлган ҳодисаларни англатувчи белгилар, тилнинг

кумулятив маҳсулоти ҳисобланиб, тил эгаларининг онгида мавжуд фон билимларини ўз ичига қамраб олади. Тадқиқот объекти бўлмиш хос сўзлар мана ярим асрдирки, ўз долзарблиги ва муҳимлиги жиҳатидан таржимашуносликда ўрганилишда давом этаётган масала сифатида эътироф этиб келинмоқда. “Таржима амалиётида ҳанузгача йўл қўйиб келинаётган хато ва камчиликларнинг кўпчилиги таржимада миллий хусусиятни тиклаш билан боғлиқ бўлиб, бу масала ҳанузгача ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан қониқарли даражада ҳал қилинган эмас”[23]. Маълумки, инглиз тилидаги хос сўзларининг ўзбек тилидаги ифодаси борасида қатор тадқиқотлар амалга оширилган, бироқ лингвомаданий ракурсда ўзбек тилидаги хос сўзларнинг инглиз тилига таржимаси масаласи ҳозирча чуқур ўрганилмаган бўлиб, бу борада амалга оширилган амалий ишлар ҳам бармоқ билан санарли миқдорни ташкил қилади. Тан олиш керакки, хос сўзларнинг турли аспектларини ўрганишга бағишланган қимматли назарий материаллар ҳали ҳануз болгар тадқиқотчиларидан С.И.Влахов, С.П.Флорин, рус олимларидан В.Н.Виноградов, Л.Н.Соболев, Г.В.Чернов, А.В.Фёдоров, Я.И.Рецкер, ўзбек таржимашуносларидан Ғ.Саломов, Қ.Мусаев илмий назарий қарашларида, Н.Исматуллаев, Х.Қодирова, А.Омонтурдиев, Р.Расулов, П.Бакиров диссертациялари, ўзбек тилшуносларидан Ш.Раҳматуллаев, Я.Пинхасов, Б.Йўлдошев сингари олимлар яратган илмий ишлар доирасида чекланиб қолмоқда. Насрий асарлардаги хос сўзларнинг қардош тилларга таржимаси бўйича амалга оширилган ишлар мавжуд[24], бироқ ўзбек тилидаги хос сўзларнинг инглиз тилига таржима масаласи ҳануз чуқур тадқиқ қилинмаган ва шу жиҳатдан, янада долзарблик касб этади.

Маълумки, бадиий асарларда миллатнинг турмуши, умуман борлиқ, ҳаёт кенг қамровда ўз бадиий, реал ифодасини топади ва бу ҳол ўрни билан таржимон учун романларда тил хусусиятларини, жумладан луғат таркибини ўрганиш, асар ёзилган давр тилини баҳолаш, қаҳрамонлар савияси, тили, уларнинг қандай мақомга эга эканликларини белгилаш, ва ниҳоят, ёзувчининг бадиий маҳоратини очиб бериш жиҳатидан ҳам жуда муҳимдир. Хос сўзнинг прагматик вазифасига кўра, у таржимада тушиб қолдирилиши, умумлашган усул билан миллий колоритсиз етказилиши ёки образнинг асосий характеристикаси сифатида алоҳида эътибор билан максимал даражада адекват ўгирилиши мумкин. Ўзга тил вакилига таржима матнидаги “экзотик образлар” ғайритабиий туюлиш баробарида матнни тушуниш жараёнини қийинлаштириб, ўзини оқламаган ёрқин таъсирни бериши мумкин. Шу сабабли, таржимон ҳар бир вазият учун алоҳида ёндашув асосида, энг аввало, образнинг функционал доминантасини ҳисобга олиб иш кўради.

Жумладан, мурожаатлар таржимада қатор муаммоларни келтириб чиқарадиган хос сўз гуруҳларидан бири ҳисобланади. Бунга иккита сабабни кўрсатиш мумкин: мурожаатларнинг аксарияти хос сўзлар мақомида туриши

[23]Мусаев Қ. Таржима назарияси асослари. – Тошкент: Фан, 2005. – 90-бет.
[24]Ҳамидов Х. Ўзбекчадан туркчага насрий таржима муаммолари. – Тошкент, 2014. – 140 б.

ҳамда уларнинг нутқ маданияти таркибий унсурлари сифатида эътироф этилиши. Таржимадаги лингвомаданий таҳлил учун лексик табиатга эга мурожаат бирликлари аҳамиятлидир: уларнинг бир гуруҳи ёрқин миллий колоритга эгалиги билан транскрипция усули орқали таржимада сақланишини талаб қилса, кейинги гуруҳ мурожаатлари гарчи алоҳида миллий белгига эга эмасдек кўринса-да, анъана бўйича транскрипция қилинувчи сохта хос сўзлар сифатида функционал аналог ёки эквивалент билан ўгирилади. Фикрларимиз исботи сифатида ёрқин миллий бўёқдорликка эга "*ойим*" мурожаатини таҳлилга тортамиз. Ушбу бирлик борасида айтиш керакки, аёллар исмларининг таркибий қисми сифатида у шак-шубҳасиз транслитерация қилинади (одатда оқсуяк аёллар номлари ёки унвонларига қўшиб ишлатилган ёки уларнинг таркибий қисмини ташкил қилган), аммо нутқда якка мурожаат шакли сифатида ишлатилганда (ойи, ойим – ҳурматлаш, улуғлаш маъносида) функционал аналогдан фойдаланиш таржима ўқувчисини ортиқча юкланишдан асрайди. Мисолларга мурожаат қиламиз:

а) *− Қани* ***ойи****, кўрманани беринг-чи (Ўткан кунлар, 310).* ***1.*** *− Well,* ***madam****, you owe me! (К.Эрмакова, 285).* ***2.*** *− Come on,* ***mother****, give kormana! (И.Тўхтасинов, 309).* ***3.*** *− Well, the* ***Mother****, you should give me kormana, right? (М.Риз, 478).*

б) *—* ***Ойим... Ойим****!.. — деди ҳожи. Кумуш кўзини очиб бесаранжом унга назар ташлади ва таниб... қўзғалмоқчи бўлди. — Қўзғалманг,* ***ойим****... қўзғалманг! (Ўткан кунлар, 372).* ***1. My ayim… my child****… − he said. Kumush opened her eyes and began thrashing around. Recognizing him she tried to sit up. – Don't be alarmed,* ***ayim****, please… (К.Эрмакова, 340).* ***2.*** *Oh,* ***my daughter, my daughter*** *– Khoji said. Opening her eyes Kumush glanced at him and recognized him.. tried to get up. – Don't stand up,* ***my daughter****… (И.Тўхтасинов, 377).* ***3. My mother, my mother****! said Hajji. Opening her eyes, she could barely look at him and then, finally recognizing him… tried to get up. – don't move,* ***my mother****… (М.Риз, 572).*

Юқоридаги мисоллардан маълум бўлмоқдаки, таржима тилидаги функционал муқобил бирликлар (*madam, my child, my daughter*) ушбу мурожаат тури учун энг мақбул ечим бўлиб қолмоқда. Ҳаттоки айрим ўринларда "*ойи*"нинг "*mother*" сифатида нотўғри ўгирилган ҳолатларга ҳам гувоҳ бўляпмиз. Албатта, бу таржимоннинг омоним сўзларни, шунингдек, мурожаат турларини фарқлашда йўл қўйган хатоликлари натижасидир.

Кўп сонли ҳолатларда асарда анъана, урф-одат, турли хил маросимлар ўз номлари билан берилмайди ва муаллиф томонидан маълум кўринишларда тасвирлаб ўтилади. Ўзга миллат урф-одат ёки анъаналаридан бехабар таржима ўқувчиси миллий чизгилар билан йўғрилган бу турдаги вазиятларни, табиийки, оддий тушунча ва ҳаракатлар қаторида қабул қилади, ва энг ёмони, кўп ҳолатларда бу асарни ўқиш давомида ўқувчи учун тушунмовчиликлар туғдириб қўйиши мумкин. Ушбу кўринишларни тушуниб таржимада тўғри етказиб бериш учун, албатта, таржимондан етарлича фон билимга эга бўлиши талаб қилинади. Таржимоннинг аслият тили ва маданият эгаси билан ҳамкорликда иш олиб бориши, асар қийматини сақлаб қолишга беқиёс ҳисса бўлиб қўшилади. Масалан, асардан олинган қуйидаги парчада

ўзбек миллатига жуда таниш бўлган ва айрим ўзбек оилаларида ҳанузгача сақланиб келинаётган нозик урф-одат – бошқалар хузурида ота-онанинг бир-бирини тўғридан-тўғри исми орқали эмас, тўнғич фарзандининг номи билан чақириш сахнаси акс этган бўлиб, таржималарда бу вазият қандай кўринишга эга бўлганлигини таҳлил қилиб кўрамиз:— *Мен сенга айтиб қўяй,* ***Кумуш,*** *— деди турар экан қутидор Офтоб ойимга, бу кунга бир меҳмон айткан эдим. Чўрингни чиқариб меҳмонхонани тозалат (Ўткан кунлар, 30).* ***1.*** *I have invitied a guest today,* ***Kumush,*** *bear it in mind, − he mentioned as he stood up. Then, turning to Oftobayim, he said… (К.Эрмакова, 33).* ***2. Kumush,*** *bear in mind, I invited a guest for today – and facing Oftoboyim said… (И.Тўхтасинов, 31).* ***3.*** *To* ***Kumush*** *he said "Keep in mind I have invited guests today". And then turning to Oftob oyim "Please send a servant…" (М.Риз, 80).*

Қутидор Офтоб ойимга меҳмон келишини ва уйларга қараб қўйишни эслатар экан, унга қизининг исми билан мурожаат қилади. Бу ўзбек ўқувчиси учун таниш манзара. Агар ушбу вазият таржимада ҳам шундай ўгирилганда қуйидаги шаклда бўлар эди: *Bear it in mind, Kumush, I have invited a guest today" – Kutidor said to Oftob Oyim standing up. − Send the servant to tidy up the mekhmonhona.* Табиийки, бу ҳолатда таржима ўқувчисининг тушунмовчилиги ортади. Умуман олганда, уччала таржимон ҳам бу вазиятдан таржимага қўшимча қилиш усули орқали чиқишга муваффақ бўлган, яъни учта вариантда ҳам "*Қутидор аввал Кумушга меҳмон келишини эслатади, сўнг Офтоб ойимга меҳмонхонани тозалатиб қўйишни буюради*". Агар матн ўзгартиришсиз таржима қилиниб, бу одат бўйича қисқача шарҳ бериб ўтилса, асар миллийлигини янада ёрқин ифода этишга эришилар эди.

Қуйидаги мисолимизда эса, ўзбек хос тушунчаси бўлмиш сўзлардан бирига сатр ости изоҳида тор ёндашилган ва бунинг оқибатида таржима ўқувчисида ушбу хос сўз хусусида нотўғри тасаввур ҳосил бўлишига олиб келган деб ҳисоблаймиз: *Туробжон тугунчани орқасига бекитиб, тегишди: —* ***Акажон****, деги!* — ***Акажон****! Жо-он* ***ака****!.. (А.Қаҳҳор, 9). − Turobjon flirted with her as he hid the bundle behind his back. — Call me* ***brother*****!* ***Brother****, my dear* ***brother****! (*****Call me brother*** *− wives call their husbands "brother". This is the sign of respect – "акажон, деб чақир – хотинлар эрларини "ака" деб чақиришади. Бу ҳурмат белгисидир") (Ш.Сатторов, web-site).* Кўриб турганимиздек, сатр ости изоҳида "*акажон*" тор маънода изоҳланяпти, ҳамда таржима матнини ўқиётган ўзга тил ва маданият вакили тасаввурида "*ўзбек миллатида рафиқаларнинг ўз турмуш ўртоқларига нисбатан "ака" деб мурожаат қилишлари ягона қоидага киради*" қабилидаги тушунчанинг вужудга келишига олиб келмоқда. Мазкур вазиятда, икки хил усул билан муваффақиятли таржима амалиётини бажариш мумкин эди. Биринчи усул − функционал уйғунлик бўлиб, бунда эркалаш мазмунига эга "*акажон*" сўзини "*my dear husband*" ва иккинчи ҳолатида "*my dearest husband*" жумласи билан алмаштирилса, контекстда ҳеч қандай мазмуний йўқотиш пайдо бўлмас эди. Иккинчи усул, яъни таржимон йўл тутган ҳолатда, сатр ости изоҳига чуқурроқ ёндашиш орқали масалага ечим топилар ҳамда ўзбек маданиятнинг тўғри талқинига эришилар эди, деб ҳисоблаймиз, яъни: *****Call me brother*** *– there are several ways of treatment the*

husbands by wives respectfully and that is one of them. This is the sign of respect. Wives also call their husbands "his or her father", "master" and by adding "brother" at the end of husband's first name (таржима бизники).

Хос сўзнинг контекстдаги аҳамиятига кўра таржима усулини танлаш жараёнида хос сўзнинг асар мазмунидаги роли, буёқдорлик даражаси, яъни унинг контекстда ёритилиб бериш даражасига эътибор бериш мақбулдир. Ўқувчининг тегишли хос сўзга диққати қанчалик жамланганлиги, хос сўзнинг марказий ўринда турганлиги ёки аслият матнидаги кўринмас деталь сифатида ишлатиб кетилганлиги сингари масалалар ҳам таржима усулига ёндашишда муҳим ҳисобланади. Шу сабабли, транскрипция усулидан фойдаланиш, қачонки аслиятда унга эътибор қаратилган бўлса, интенсив семантик юкламага эга бўлсагина суиъстемол қилинмаган бўлади. Бироқ, кўп ҳолатларда таржимон аслият матнидаги хос сўзни аниқлагандан кейин, яхшироқ чамалаб ўтирмай, транскрипцияга мурожаат қилишга шошади, ва шу тариқа, бўёқдорликни беришга бўлган интилиш хос сўзнинг мазмунини беришдек асосий масала ечимига тўсқинлик қилади ва оқибатда, таржиманинг коммуникатив мақсади амалга ошмай қолади. Жумладан, мана бу мисолда масала транскрипция усулига мурожаат қилмаган ҳолда хал қилиниши мумкин эди: *Биз этакларни бўйинга илиб, худди* ***ошҳалолга*** *бораётган подачидай кетяпмиз (Ш.Холмирзаев, 69). − With our hooking aprons we were walking like happy shepherds to the owner's houses for the* ***oshhalol* (Oshhalol*** *– A meal for shepherds. After tending a herd the shepherds are given a meal by the owners of the herd. (oshhalol in the Uzbek language means a meal which is earned by honest work) (Ш.Холмирзаев, web-site).* Биринчидан, аслиятда берилган хос сўзда контекстга нисбатан семантик юклама ортилмаган, шу боис, транскрипцияга хожат қолмаган ва уни нейтрал таржима билан ўгирса бўлади, иккинчидан, таржимада қўлланган усул таржима ўқувчисининг эътиборини бошқа деталга тортиб кетилишига сабаб бўлади. Бизнингча, бу вазият учун энг мақбул вариант нейтрал таржимадир (масалан, *... we were walking like guests to the feast*). Ёки "*маҳси*" хос сўзи таржималарини таҳлилга тортсак. Ушбу сўзнинг учта таржима вариантларини кўришимиз мумкин: *Маҳси – 1. shoes, soft ichigi-boots; 2. mahsi* (boots with soft soles and without heels); 3. shoes, soft leather boots.* Изоҳли луғатда: *маҳси* – қўй ёки эчки терисидан тайёрланадиган, узун қўнжли, пошнасиз, тагчарми юмшоқ, кавуш ёки калиш билан кийиладиган миллий оёқ кийими. *Shoes* – одатда чармдан тайёрланадиган, қаттиқ тагчармли ва тўпиқдан тепага чиқмайдиган оёқ учун қоплама. *Boots* – Оёқнинг тўпиқ ва баъзида тиззадан пастини ёпиб турувчи қаттиқ оёқ кийим тури. Айтиш мумкинки, на *shoes* ва на *boots* маҳсига функционал эквивалент бўла олмайди. Иккинчи вариантдаги таржимада *ichigi-boots* ҳам ишлатилган бўлиб, бу учинчи тилга хос тушунчанинг олиб кирилганини кўрсатмоқда. Асосан татар миллатида оммабоп бўлган "*ичиги*" замонавий кўринишларини ҳисобга олмаганда, дастлабки шаклида ҳам калиш ёки кавуш билан кийилмаслиги сабабли ўзбек маҳсисидан фарқ қилади. Яна фон билимга мурожаат килсак, юқорида санаб ўтилган аналогларга қиёсан олинганда, маҳси ўзининг таркибий детали – кавушсиз ташқарига кийиш мумкин

бўлмаган оёқ кийимидир. Қуйидаги мисолда муаллифнинг “*маҳсичан оёқ*” яъни “*оёк кийимсиз, калишсиз*” маъносида қўллаган иборасини иккинчи таржимон тўғри талқин қила олган:... ***маҳсичан*** *оёғини оҳиста қўйиб Отабек ҳужрасининг ёнида тўхтади… (Ўткан кунлар, 23).* ***1****. …treading noiselessly in his* ***soft ichigi-boots****, he crept to Atabek`s chamber… (юмшоқ этигида шовқинсиз...) (К.Эрмакова, 26).* ***2.*** *… he, softly treading his* ***feet****, entered inside, approaching Otabek`s room… (оёғини аста босиб...) (И.Тўхтасинов, 23).* ***3.*** *… he crept outside in his* ***soft leather boots****… (юмшоқ чармли этигида...) (М.Риз, 69).*

Мазкур кўринишдаги яна кўплаб мисолларни таҳлилга тортиш мумкин бўладики, уларда ҳам лексик эквивалентлик кўрсаткичи талаб даражасида эмас. Масалан, “*қумғон*” учун энг яхши таржима варианти ёки унинг транскрипция қилинган шакли, ёки *kettle (айнан чой қайнатиш учун), teapot* эса функционал аналог бўла олмайди. “*Обдаста*”нинг *basin* – тоғорача ёки жомга айлантирилиши ҳам мақсадга мувофиқ эмас, бу миллий маданиятнинг нотўғри талқин қилинишига олиб келади (*таржима ўқувчисига юз-қўл тоғорачадаги сувдан олиниб ювиладигандек туюлиши мумкин*): ***Обдаста*** *(Ў.К., 172) – basin (К.Э., 162) – basin (Т.И., 170). Ёки* “Шум бола” асарининг қуйидаги ўринларида “*бўза*” ичимлигининг нотўғри таржима талқинлари учрайди: *alcohol (N.B., 20), wine (N.B., 20), vodka (N.B., 22).* Фақатгина ушбу ичимликни деталларда тасвирлаш ўрни келгандагина, таржимон уни транслитерация орқали беришни лозим топади: *buza (N.B., 22).* Шунда ҳам бу сўзга берилган изоҳ ичимликнинг аниқ тасвирини бера олмаган: *a type of alcohol in the bottle (22).* Бир асарда хос тушунчанинг бундай ҳар хилликда берилиши, табиийки, ўқувчини чалғитади ва бизнингча, асарда ишлатилган илк ўриндаёқ хос сўзнинг аниқ ифодаланган изоҳли транслитерация шакли, қолган ўринларида изоҳсиз ҳолда берилиши лозим эди.

Тўртинчи боб “**Фразеологик бирликларнинг тилшуносликдаги ўрни ва фразеологизмлар таржимасида лингвомаданий ёндашув”** деб номланади. Фразеологизмнинг маданий коннотацияси хос сўзларнинг лисоний шаклда ифодаланган эталонлашган ёки рамзий вазифага эга бўлган функциясидан, турли туркумдаги дискурсларда аниқланган маданият тартибларидан келиб чиқиб шаклланади. Фразеологик бирликларни тавсифлашнинг лингвомаданий аспекти, шунингдек, уларнинг маълум миллат маданий ахбороти кодлашган алоҳида табиат белгилари эканлиги билан ҳам асосланади: “Тилнинг фразеологик таркиби – бу шундай кўзгуки, унда маълум лингвомаданий жамият ўз миллий онгини танийди”[25]. Қўлланилиш жараёнида фразеологизмлар ўз маданий коннотацияси туфайли маълум лисоний коллективнинг менталитет чизгиларини руёбга чиқаради. Фразеологик бирликларнинг турли типлари маданий ахборотни турлича трансляция қилади ва бу лингвомаданий таҳлил давомида ҳисобга олиниши лозим бўлган энг муҳим жиҳатдир.

Эквивалентсиз фразеологизмлар, яъни бошқа тилларда идиоматик мувофиқликка эга бўлмаган ФБлар таркибида турли образлар мавжуд бўлиб,

[25]Телия В. Н. Русская фразеология. Семантический, прагматический и лингвокультурологический аспекты. − М.: Школа Языки русской культуры, 1996. − С.9.

бу турдаги ФБларнинг вужудга келишига тил соҳибларининг айнан ўзига хос фикрлаш категорияси, миллий ўзига хос образлари ва миллий бўёқдорлиги сабабчи бўлади. Шуни ҳам таъкидлаб ўтмоқ жоизки, турли тиллардаги турлича тушунчалар ўзаро мос келиши мумкин, лекин айтиб ўтганимиздек, уларни ифода усуллари бетакрор ва ягона бўлади. Масалан, ўзбек тилида "*қўрқоқ*" тушунчаси "*қуён*" образи орқали ифодаланса, инглиз тилининг американча вариантида бу тушунча "*chicken*" образи орқали намоён бўлади: "*қуёнюрак*" "*chicken-hearted*". Шундай қилиб, эквивалентсиз ФБлар борасида қуйидаги таърифни келтириш мумкин: аслият тилидаги эквивалентсиз фразеологизмлар – бу таржима тилида на тўлиқ/қисман эквивалентга ва на аналогларга эга ФБлардир. Тадқиқотимизда инглиз тилига нисбатан айнан эквивалентсиз ҳисобланган фразеологик бирликларни таҳлилга тортамиз. Тадқиқотимиз самарали бўлиши мақсадида, асардаги эквивалентсиз ФБларни қуйидаги усул асосида ажратиб олдик. Бунда асарда қўлланилган фразеологизмлар мисолида ФБдаги миллий-маданий компонентни аниқлаш орқали унинг таржима тилига нисбатан эквивалентсизлигини белгилаш мақсадида аслиятнинг таржима тилига нисбатан қиёсий лингвомаданий таҳлилини ўтказдик. Ушбу таҳлил ўз ичига қуйидаги босқичларни қамраб олди: 1. Аслиятдаги ФБни аниқлаш. 2. ФБнинг лексик маъносини кўрсатиш. 3. ФБ семантикасидаги миллий-маданий компонентни юзага чиқариш. 4. Аслият ва таржимада ФБ келтирилган контекстни ажратиб олиш. 5. ФБнинг таржима тилига эквивалентлик даражасини белгилаш. Аслиятдан таҳлил учун танлаб олинган фразеологик бирликнинг муқобиллик даражаси тадқиқ қилингач, шу натижа асосида таржима усулари тавсия қилинади. Масалан:

1. Аслиятдаги ФБ: *ғалвирни сувдан кўтармоқ*. 2. ФБнинг лексик маъноси: Якуний натижани аниқламоқ. 3. ФБ семантикасидаги миллий-маданий компонент: Маиший турмушга оид хос сўз – ғалвир образига ишора (ғалвир илма-тешиклиги сабабли унда сув турмаслиги). 4. Аслият ва таржимада ФБ келтирилган контекст: *Фақат* ***ғалвир сувдан кўтарилгандан*** *сўнггина, сен ўзингни ҳар тарафка ташлай бошладинг... (Ўткан кунлар, 359).* − ***1.*** *You only began weeping and wailing* ***when you found yourself standing there empty-handed****... (К.Эрмакова, 327).* ***2.*** *Only* ***when you got into trouble****, you began looking for the ways out of the situation (И.Тўхтасинов, 362).* ***3.*** *... only when your* ***kundosh appeared from out the water****, you threw up your hands up in the protest (М.Риз, 552).* 5. ФБнинг таржима тилига эквивалентлик даражаси: таржима тилида эквивалентга эга бўлмаган ФБ. Хусусан, ушбу хос сўз қатнашган яна бир ФБнинг таржималардаги талқинига эътибор қаратамиз: *Ўзлари ҳам қипчоқни қидирабериб ҳамма ёқни тозаям* ***ғалвир қилиб*** *юбордилар-да… (Ўткан кунлар, 288).* − ***1.*** *They began searching for Kipchaks,* ***turned everything upside down****… (К.Эрмакова, 265).* − ***2.*** *… and they began to look for quipchaks. They* ***turned everything upside down****… (И.Тўхтасинов, 285).* − ***3.*** *…they searched for Qipchaqs everywhere as if* ***separating out life with a floor sifter*** *(М.Риз, 443).* Биринчи ва иккинчи таржима вариантларида фразеологик аналог таржиманинг эквивалентлигини таъминласа, учинчи таржима ўқувчиларга сўзма-сўз таржима туфайли тушунарсизлик касб этган, сабаби, биринчидан, *ғалвир*нинг

маиший ҳаётдаги функциясини яхши билган ўқувчигина уни фразеологик компонент сифатида адекват тушунади, иккинчидан юқоридаги контекстдаги *“астойдил қидирмоқ”* маъноси учун сўзма-сўз таржима *(жонни элакдан ўтказмоқ)* мантиқсизликни келтириб чиқаради. Ушбу вазиятда аслиятдаги ФБга тенг эмоционал бўёқдорлик бериш учун *leave no stone unturned* фразеологик аналогини қўллаш ҳам муқобил вариант бўлади. Демак, хос сўз компонентли ушбу фразеологизм учун инглиз тилида нейтрал таркибли ФБ танланиши мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

ФБларни таржима қилишнинг ўзига хос жиҳатлари ва таржима усулларини танлаш икки омилга боғлиқ дея ҳисобланади: авваламбор, ФБ турига, кейин унинг компонент таркибидаги этномаданий коннотатив ўзига хослигига. ФБлар фразеология воситалари ёрдамида стереотип вазиятлар, у ёки бу халқ томонидан шакллантирилган олам манзараси, хос сўзларининг прагматик ва эстетик баҳоларини тасвирлаш ҳисобига тилда миллий дунёқарашнинг ўзига хосликларини ўрнаштиради. Шу сабабли бир тилдан иккинчи тилга фразеологизмларни таржима қилиш хусусиятлари ҳақида гапирганда, миллий-маданий коннотацияга эга бирликларни умуминсоний тажрибани ўзида мужассам этган бирликлардан фарқлай олиш муҳим ҳисобланади. Ҳозирга қадар ФБларнинг калька усулида таржима қилиш қатор баҳс-мунозараларга сабаб бўлмоқдаки, бу масалада ўз нуқтаи назаримизни баён этиб, масалага ойдинлик киритишни мақсад қилдик. Биринчидан, ушбу усулни энг асосий шарт бажарилса, яъни калькалаш натижасида вужудга келган ифода образининг таржима тили қонуниятларига мувофиқ келувчи, табиийлик касб этувчи ҳамда таржима ўқувчиси томонидан осон қабул қилинувчи бўлсагина қўллаш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Фразеологик бирликларнинг калька таржимасида ҳам асосий шарт шу: “идиомаларни бир тилдан иккинчи тилга таржима қилганда, уларнинг шу бирикма таржима қилинаётган тилнинг табиатига қанчалик ботиши, сунъий бирикмага айланиб, китоблар ичида чанг босиб қолиб кетмаслиги ва шу китобларни ўқийдиган кишиларга қанчалик тушунарли ва мақбул бўлиши билан ҳисоблашиш шарт”[26]. Иккинчидан, одатда умуминсоний кузатишларга, кишиларнинг ўзаро ўхшаш маданий негизига ёки кўп асрлик ҳаёт тажрибаларига асосланган фразеологизмлар калька қилинади. Янада соддароқ айтиладиган бўлса, фразеологизм негизидаги образ таржима тилида ҳам таниш бўлиши керак. Масалан: *Ўзга хотинлар унинг* ***соясига салом бериб****… (Ўткан кунлар, 129). − **1**. … They would* ***pay homage even to her shadow*** *as she passed by… (К.Эрмакова, 123).* ***2.*** *They even* ***bowed to her shadow*** *(И.Тўхтасинов, 128).* ***3.*** *They even* ***greeted her shadow****... (М.Риз, 221).* Бироқ таржимонларнинг асар миллий руҳиятини таржимада сақлаб қолишга қилган ҳаракатлари аксарият ҳолларда фразеологизм семантикаси, контекст мантиқий изчилиги, таржима ўқувчиси томонидан табиий қабул қилинишига акс таъсир кўрсатганини мисоллар таҳлили орқали исботлаш мумкин.

[26] Саломов Ғ. Рус тилидан ўзбекчага мақол, матал ва идиомаларни таржима қилиш масаласига доир. – Тошкент, 1961. – Б. 138.

Қуйида келтирган мисолларимизда таржимонлар қўллаган фразеологик калькалар юқоридаги талабларга жавоб бермаслиги ва таржима ўқувчиси учун тушунмовчилик келтириб чиқарганининг гувоҳи бўлдик:

Чунки мажлис ўрнини айтса поччаси билан жияни Раҳматнинг ҳам қўлга тушишлари аниқ ва бунинг билан ул ***ўз оёғига болта қўйган*** *бўлар эди (Ўткан кунлар, 65). − If he named the meeting place, his brother-in-law and his cousin Rakhmat would also be incriminated and* ***he would have cut off his feet with his own ax*** *(М.Риз, 131).* Бизнингча бу ҳолатда ҳам таржима тилидаги мавжуд фразеологик аналогдан фойдаланилса, аслиятдаги образ таржимада ҳам осон қабул қилинган бўлар эди. Бу ҳолат учун эса инглиз тилида *shoot oneself in the foot (ўз-ўзига зарар келтирадиган иш қилмоқ)* фразеологик бирлиги қўлланади.

Ёки навбатдаги мана бу мисолда ҳам ноўрин калька ишлатилган деб ҳисоблаймиз: *Илло бола, қозига чақиртириб,* ***терингга сомон тиқтираман****! (Шум бола, 221). – I will tell it to the judge and he will* ***fill with straw your skin*** *(Naughty boy, 123).* Бу ҳолатда аслиятдаги ФБга синоним бўла оладиган "*терисини тириклайин шилмоқ*" иборасига инглиз тилида "*skin smb alive*" эквиваленти ушбу вазиятда фразеологизм қийматини сақлаб қолишга хизмат қилади. Яна бир мисолда: *Офтоб ойим эридан* ***ҳам қўлини ювиб қўлтуғига урган*** *эди (Ўткан кунлар, 350). − Uzbek Oyim also* ***washed her hands of*** *her husband (М.Риз, 536).* Бу ҳолатда *to wash hands of smth* инглиз тилидаги бошқа ибора маъносига тўғри келади, яъни ушбу ФБ таржима тилида *"бирор нарсада иштирок этишдан бош тортиш"* маъносига эга. Демак, сўзма-сўз таржима мана шу турдаги чалкашликларга ҳам олиб келиши кўриниб турибди.

Фразеологизмларни инглиз тилига ўгиришда таржима тили қонуниятлари ҳамда шунга боғлиқ таржима шартларини инобатга олиш лозимлигини бир неча карра таъкидлаб ўтдик. Шу асосда, калька усулини қўллашнинг яна бир афзал жиҳатини эслатиб ўтмоқчимиз. Аслиятдаги фразелогизм образидан метафора яратиш учун фойдаланилган бўлса, бу туфайли таржимада вужудга келган қийинчиликларни калька ёрдамида енгиш имкони бўлади. Масалан: *It was raining cats and dogs* (фразеологизм) and *one puppy fell on my exercise-book* (фразеологик образ асосида яратилган метафора) *making it look spotty.* Асардан олинган қуйидаги мисолда ҳам шунга ўхшаш вазият шаклланган: ***Бошқа тушканни кўз кўрар****, деган сўз бор. Ўзбек ойим ҳам* ***бошига тушкан бу кулфатни кўришка*** *мажбур эди (Ў.К., 157).* ***1.*** *Having brought this calamity upon herself, she now had to fathom a way to get rid of it. Uzbekayim* ***was destined to drain this bitter cup*** *(К.Э., 149).* ***2.*** *Uzbek-oyim* ***was deep in thought*** *(Т.И., 155).* ***3. A great calamity had fallen upon her head****. She needed to find a way to get rid of it (М.Р., 263).* Хусусан, ушбу мисолда: *There is a saying: "the calamity which comes upon one's head is seen by eyes". Uzbek-oyim was destined to see this calamity which had fallen upon her head too* каби таржима варианти ҳам ўринли ҳисобланади.

Ёки мана бу мисолда ҳам қаҳрамоннинг истеҳзо ва юморга тўла нутқида қўлланилган ФБдаги метафорик "*сут*" образини сўзма-сўз таржима орқали етказиш бадиий мақсадни амалга оширишда ёрдам берар эди: *Аммо начора,* ***сут билан киргани жон билан чиқармиш****. Дарвоқе,* ***сут*** *ҳам ичолмайман, бунисига нима дейсиз! (Э.А., 51). − But what can I do,* ***it became a habit.*** *By the way,*

